БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 49 (16.739). | 27 февраль 1977 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш икки ойлик планини муддатидан илгари, 25 февралда бажардилар.

Республика саноатининг ходимлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларига ва КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланишга, 1977 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга интилмоқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Краснодар ўлка партия комитетининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлари тўғрисида»ги масалани қараб чиқди.

Қабул қилинган қарорда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Краснодар ўлка партия комитети КПСС XXV съезди ва Л. И. Брежневнинг съездда қилган докладида ва Марказий Комитетнинг 1976 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва вазифаларни амалга ошириш соҳасида анча иш қилмоқда.

Сиёсий раҳбар орган бўлган ўлка партия комитетининг куч-ғайратлари мамлакатнинг йирик ғалла кони — Кубанни ривожлантиришнинг асосий проблемаларига, беш йиллик топшириқларини бажаришга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилмоқда. Бу проблемаларни ҳал этиш йўллари партия комитетларининг пленумлари ва бюросида, партия ва ишчилар йиғилишларида, илмий-амалий конференцияларда жуда фаол муҳокама қилинмоқда. Ўлкада партия активи, олимлар, мутахассислар, илғор ишчилар ва колхозчиларнинг иштироки билан корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, фан ва практика ютуқларини жорий этиш, маҳсулотнинг сифатини ошириш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан 1976 — 1980 йилларга мўлжалланган программалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ўлка партия комитети КПСС шаҳар ва район комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик кадрларининг ролини ва иш натижалари учун масъулиятини оширмоқда, ижрони контроль қилиш ва текширишни кучайтирди. Ўлка партия комитетининг секретарлари, бюро аъзолари, аппарат ходимлари жойлардаги аҳволни мунтазам суратда ўрганмоқдалар, партия ташкилотларига ёрдам бермоқдалар, коммунистларни тўғри жойлаштиришга, омма ўртасида партия таъсирини кучайтиришга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили 177 та янги бошланғич, 699 цех партия ташкилотлари ва партия группалари ташкил этилди. Қишлоқлардаги ҳосилни йиғиштириб ташиб олиш звеноларида уч мингта муваққат партия группаси ишлаб турди. Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари XXV съезд материалларини пропаганда қилиш ва ўрганишни кенг ривожлантириш, сиёсий маориф, меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш, аҳолига ахборот бериб туриш ишларини яхши йўлга қўйдилар. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг бу ишдаги иштироки кучайтирилди.

Ўлкада юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати вазнияти вужудга келтирилди. Ҳар бир иш жойида меҳнатнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа оммавий тус олди, муқобил планлар қабул қилиш практикаси кенгайди, кўпгина илғор ишчилар ва коллективлар москваликлардан ўрнак олиб, беш йиллик иккинчи йили топшириқларини Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача бажариш учун курашга қўшилдилар. 900 дан зиёд корхона, қурилиш, колхоз ва совхозлар илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик муассасалари ва олий ўқув юртлари билан ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома туздилар.

Ўлка партия комитети янгиликка зўр эътибор бериб, қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватламоқда, фойдали ташаббус билан майдонга чиқмоқда. Кубанинг саноати ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда, уч юздан зиёд хўжаликлараро ва агро-саноат корхоналари ҳамда бирлашмалари ишлаб турибди. Ўлка партия комитети КПСС Ейск ва Каневск район комитетларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини ошириш юзасидан олиб бораётган ташкилотчилик ишлари соҳасидаги, Новороссийск шаҳар комитетининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги тажрибасини умумлаштирди ва кенг ёйишга ҳаракат қилмоқда. Ўлка партия комитетининг Азов соҳилидаги ерларни ўзлаштириш, Ноқоратупроқ зонадаги областларга оталиқ йўли билан ёрдам бериш ҳақидаги, цемент заводларини реконструкция қилиш, Сочи курортини ривожлантириш тўғрисидаги таклифлари ҳалқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эгадир.

Ўлкада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий вазифаси — дон етиштиришни кўпайтириш вазифаси сабот билан ҳал этилмоқда. КПСС Ўлка комитети, Адигей область комитети, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари фан ютуқларидан, илғор коллективларнинг, мўл ҳосил етиштирувчи моҳир усталардан М. И. Клепиков, В. Я. Первицкий, Б. А. Пономаренко, В. А. Колесников ва бошқаларнинг тажрибасидан фойдаланиб, деҳқончилик маданиятини юксалтириш соҳасида собитқадамлик билан иш олиб бормоқдалар. Колхоз ва совхозларда тўғри алмашлаб экиш ўзлаштирилди. Кубань селекциячилари етиштирган дон экинларининг юқори ҳосилли навлари ва гибридлари жорий этилди, далаларни ишлаш сифати яхшиланди. Ўлкада қисқа вақт ичида саноат асосида йирик шоликорлик базаси вужудга келтирилди.

Ўлка партия ташкилоти беш йилликнинг биринчи йилида дон етиштириш ва далатга дон сотишни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускори бўлиб, кенг кўламда ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб борди, коммунистларни, барча меҳнаткашларни ғалла учун курашга отлантирди. Ватан омборларига 4 миллион 425 минг тонна дон тўкилди. Бу белгиланган харид қилиш ҳажми ва илгари олинган мажбуриятлардан анча ортиқдир. Тайёрланган буғдойнинг учдан икки қисми кучли ва қимматли сортлардан иборат. Қанд лавлаги, сабзавот, мева ва чой баргидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг асосий турларини сотиш планлари бажарилди. Кубанликларнинг ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди ва ҳосил ўримйиғимини муваффақиятли ўтказиш ҳамда мамлакатда дон харид қилиш планининг бажарилишида муҳим роль ўйнади.

Ўлкадаги барча саноат корхоналари 1976 йилда маҳсулотни реализация қилиш ва янги техникани жорий этиш планларини бажардилар. Қўшимча равишда 105 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқлар ошириб бажарилди. Бош планлар ва районларни планлаштириш схемалари асосида шаҳарлар, район марказлари ва қишлоқлар обод қилинмоқда. Чакана товар обороти ва маиший хизмат кўрсатиш планлари бажарилди.

Шу билан бирга, қарорда кўрсатиб ўтилганидек, КПСС ўлка комитети XXV съезд қўйган мураккаб ва кўп қирали вазифаларни ўлка партия ташкилотининг комплекс тарзда ҳал этишига, ўлка экономикасидаги барча тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашга ҳали эришгани йўқ. Бунинг натижасида Кубаннинг бой табиий ресурсларидан, унинг қулай тупроқ-иқлим шароитларидан тўлиқ фойдаланилмаётир. Партия, совет ва хўжалик органлари самарадорлик ва сифатни оширишдан иборат умумий талабни ҳамма иш участкаларида, ҳар бир меҳнат коллективида конкрет тадбир ва амалий ишга айлантириш учун етарли даражада сабот-матонат кўрсатмаётирлар. Озиқ-овқат саноати тармоқларини техника билан қайта қуроллантириш суст амалга оширилмоқда. Ўлкадаги бутун саноат маҳсулотининг қариб ярми ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Бу тармоқларда сермеҳнат ишларни механизациллаштириш паст даражада бўлиб, кўп ишчилар қўл меҳнати билан банд. Машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг кўп корхоналари бир меъёрда ишламаётир, номенклатура ва кооперативлаштирилган тартибда мол етказиб бериш бўйича топшириқларни бажармаётир. Бир қанча завод ва фабрикаларнинг ишлаб чиқариш қувватлари суст ўзлаштирилмоқда.

Ўлкада чорвачилик мавжуд имкониятлардан анча паст даражада, барқарор ривожлантирилмаётир. Мол туёғи ва чорва моллар ҳамда паррандалар маҳсулдорлигининг камайиб кетишига йўл қўйилмоқда, мустаҳкам емхашак базасини вужудга келтириш чоралари кўрилмаётир. Колхоз ва совхозларнинг иқтисодий фаолияти чуқур анализ қилинмаяпти. Уларнинг кўпида ишлаб чиқариш рентабеллиги паст даражада бўлиб, маҳсулотнинг таннархи ошиб кетган, улар давлатга гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни сотиш планларини бажармаётирлар.

Капитал қурилишга раҳбарлик қилишга доир баъзи принципиал масалалар партия комитетларининг эътиборидан четда қолмоқда. Маблағларни сочиб юбориш давом этмоқда, қурилиш индустрияси корхоналари суст ривожланмоқда, ишлаб чиқариш объектларини ишга туширишда муҳлатларига риоя қилинмаётир, уй-жой ва маданий-маиший қурилишга ажратиб берилган маблағлар муттасил ўзлаштирилмаётир. 1976 йилда 300 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой, 3600 ўринли мактаблар, 3100 ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланиш учун топширилмади. Ўлкада хизмат кўрсатиш соҳаси суст ривожланмоқда. Курорт-соғломлаштириш зонасида ошхона ва кафелар етишмайди, хизмат кўрсатишнинг прогрессив формалари кенг тарқалган эмас.

Кишиларни ахлоқий тарбиялаш ўлка партия комитетининг идеологик фаолиятида суст соҳа бўлиб қолмоқда. Бу иш кўпинча салбий ҳодисаларнинг сабаблари чуқур ўрганилмаган ҳолда олиб борилмоқда. Ахлоққа хилоф ҳаракат қилишга йўл қўйётган ва тартиб-қоидаларни бузаётган кишилар кўпинча жамоатчилик таъсиридан четда қолмоқда.

КПСС Ўлка комитети, Адигей область комитети, шаҳар ва район комитетлари мавжуд камчиликларни йўқотиш, партия ва давлат интизомининг бузилишига чек қўйиш соҳасида ҳаминша ҳам принципиаллик ва сабот-матонат билан иш олиб бормоқда, деб бўлмайди. Ўлка партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқид юксак даражага кўтарилганлигига қарамай кадрларнинг масъулиятини ошириш ва ишни яхши йўлга қўйиш учун бу методдан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаётир.

КПСС Марказий Комитети Краснодар ўлка партия комитетига КПСС XXV съездининг қарорларини бажариш соҳасида ташкилотчилик иши ва сиёсий ишларни бундан буён ҳам такомиллаштиришни топширди. Бутун кучғайрат съезд илгари сурган асосий проблемаларга қаратилсин, бу проблемаларни ҳал этишнинг энг яхши йўллари қидириб топилсин, барча бўғинларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш йўли изчиллик билан ва ижодий тарзда амалга оширилсин. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллигига тайёргарлик кенг авж олдирилсин ва ана шу шонли байрамни муносиб кутиб олиш таъминлансин.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар КПСС ўлка комитети, Адигей область комитети, шаҳар ва район комитетларининг, ўлкадаги барча коммунистларнинг съезд қарорларини бажариш соҳасидаги жанговар иш программаси бўлиб қолиши керак. Ишлаб чиқариш потенциалидан, меҳнат ресурсларидан, ажратиб бериладиган капитал маблағлардан яхшироқ фойдаланиш зарур. Барча корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг белгиланган планларини сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича бажариши билан чекланиб қолмай, янада юксак марраларга чиқиб олишига ҳам эришилсин.

(Давоми иккинчи бетда)

БУХОРО ОБЛАСТИ. Конимех районидаги «Коммунизм» совхозининг чўпон-чўлиқлари чорва қишлозини муваффақиятли ўтказиш учун бор имкониятларни ишга солляптилар. Қўй-қўзилар жамғарилган емхашак билан, айни пайтда эса чорва яйловларида боқиляпти. Суратда: бош чўпон Одил Юнусов (чапда), ўнгда унинг ҳамкасби Анвар Мансуров, ўртада эса қўй-қўзилар яйловда.

А. Тўраев фотолари.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Узбекистон Пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб товар маҳсулотини реализация қилиш икки ойлик планини муддатидан илгари, 26 февралда бажардилар.

Тармоқ ходимлари ой охиригача пландан ташқари яна 20 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишни мўлжалламоқдалар.

* * *

Тошкент областининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб бериб, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан икки ойлик планни муддатидан аввал, 25 февралда бажардилар.

* * *

Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим маҳсулот турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан январь-февраль ойлари давлат планини муддатидан олдин, 25 февралда бажардилар.

Шаҳар саноати ой охиригача қўшимча равишда 10 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотни реализация қилади.

* * *

Самарқанд областидаги саноат корхоналарининг коллективлари иш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан икки ойлик топширикни белгиланган муддатдан уч кун аввал бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

(ЎзТАГ).

САБЗАВОТКОРЛАР БАҲОРИ

Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз меҳнатчилари дастлабки бир неча ўн гектар майдонга карам кўчатларини ўтказдилар. Хўжаликда ана шу экин учун ҳамласи бўлиб 100 гектар, ўтган йилдагидан анча кўп ер ажратилган. Колхозчилар плёнка остида эртапишар бодринг, пиёз ва бошқа сабзавот кўчатларини ўтказишга ҳам киришдилар.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларига қараганда, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона ва Наманган областларидаги 43 та ихтисослаштирилган колхозларнинг ҳаммаси плёнка остида ва очиқ ерда эртапишар сабзавот кўчатларини ўтказишга киришдилар. Ҳавонинг исиб кетганлиги бу ишларни кучайтириш имкониятини бермоқда. Биргина эртапишар карам экиладиган майдон 500 гектардан ортиқроқ бўлади. Май ойининг ўрталарида очиқ ердаги карам ҳосили йиғиштириб олиша бошлайди. Бу экин плёнка остига экилган майдонларда эса карамни йиғиштириб олишга икки ҳафта олдин киришилади.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ДОН ЭКИШНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЎТКАЗАЙЛИК

Республикамиз ғаллакорлари ҳар бир дамни ғанимат билиб, ўтган йили кузги дон экинлари экишни юксак агротехника муддатларида ўтказдилар. Кузги дон экинлари майдони 1975 йилга нисбатан 145 минг гектарга кенгайиб, 844 минг гектарни ташкил этди. Суғориладиган ерларда кузги дон экинлари майдони бирмунча кўпайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўтган йиллардан фаркли ўлароқ асосий кузги дон майдонларига юқори сифатли, ҳар томонлама дорилланган, энг яхши районлаштирилган «Қизил Шарқ», «Сурхак» ва «Унумли арпа», «Аврора», Безостая», «Дея» ва «Палидум-596» навлари экилди. Ҳамма ерда кузги дон илмий асосланган нормаларда сепилди.

Буларнинг ҳаммаси кўпгина ғаллакор районларда шу кунга келиб 760 минг гектарга яқин кузги дон экинининг яхши ва қониқарли ўсишини таъминлади. Шу билан бир вақтда қишлоқ хўжалик органлари ва гидрометеорология хизмати мутахассислари, олимлар ўтказган текширишлар шуни кўрсатдики, колхоз ва совхозлардаги 145 минг гектарга яқин кузги майдон қониқарли аҳволда эмас, 100 минг гектар майдондаги кузги буғдой ва арпа экинлари сийраклашиб кетган, 45 минг гектар майдонда эса ҳали уруғ униб чиққани йўқ.

Кузги экин майдонларининг аҳволи қониқарсиз бўлган районлар барча ғаллакор областларда борлиги аниқланди. Бундай майдонлар Самарқанд ва Сурхондарё областларидаги хўжаликларда айниқса кўп. Бу, хўжаликларнинг агрономия хизмати зиммасига юксак масъулият юклайди. Ҳар бир майдон ҳисобга олиниб, кузги экин майдонларининг аҳволи устидан шундай кундалик назорат ўрнатилиши керакки, бу мазкур экинларни қайта экиш ёки қўшимча экиш йўли билан майдонлар аҳволини яхшилаш имконини берсин.

Уруғлик униб чиққан участкаларда тупроқ етилиши билан енгил бороналар билан узунасига бир марта бороналаш ўтказилиши лозим. Бу соғлом кўчатлар олишнинг муҳим шартидир. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Нурота районидаги совхозларда бу агротехника тадбири асосиз равишда судралмоқда. Бу ерда 12 минг гектарга яқин майдонда ҳали ҳам уруғлик ундириб олингани йўқ.

Мунтазам эсиб турган кучли шамол туфайли қатқалоқ ҳосил бўляптики, бу соғлом кўчатлар ундириб олишга тўсқинлик қилмоқда.

Агрометеорология хизмати маълумотларига қараганда, март ойида ёғингарчилик кўп бўлиши кутилмоқда. Бундай шароитларда ғаллакорлар кузги дон экинларини парвариш қилиш ва баҳорги дон экинларини экишдаги барча ишларни ўз муддатида, сифатли ўтказиш учун ғаниматдамлардан унумли фойдаланишлари, уюшқоқлик билан ишлашлари лозим. Умуман олганда республика бўйича ҳозир 600 минг гектар майдондаги кузги экинлар борона қилиниши, 525 минг гектар майдондаги экинлар озиқлантирилиши, 90 минг гектар майдонга баҳорги дон экинлари экилиши керак.

Лекин айрим хўжаликларда кузги дон экинларини озиқлантириш ва баҳорги дон экинларини экишда суст ҳаракатлар йўл қўйилмоқда, ғаниматдамлар бой берилмоқда.

Суғориладиган зонадаги айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари кузги дон экинларини азотли ўғитлар билан озиқлантиришни ва баҳорги ва арпадан мўл ҳосил етиштириш имконини беради. Ваҳолонки, бу муҳим агротехника тадбирини 3—5 кун мобайнида тугаллаш учун барча имкониятлар бор.

Жиззах областидаги «1- Ғалдаорол» ва Қашқадарё областидаги Карл Маркс номли совхозлардан бошқа деярли барча хўжаликларда бошоқли дон экинларига умуман гербицидлар берилмаяпти. «Узсельхозтехника» Самарқанд, Қашқадарё ва Сирдарё область бирлашмаларининг базаларида гербицидлар олиб кетилмаётир. Бу областларнинг қишлоқ хўжалик органлари мазкур масала билан атрофлича шуғулланишлари, қайси хўжаликлар гербицидлар олиши кераклигини аниқлашлари ва гербицидлар олиб кетилиб, улардан қулай муддатларда, 25 мартдан кечиктирмай фойдаланилишини таъминлашлари керак.

Кузги дон экинларини парвариш қилиш ва баҳорги дон экинларини қисқа муддатларда, сифатли экишдаги агротехника тадбирлари комплексининг ўтказилиши кўп жиҳатдан социалистик мусобақанинг тўғри ташкил этилиши бу иш билан банд бўлган механизаторлар, колхозчилар, совхоз ишчилари, авиаторларнинг унумли ишлаши учун зарур маданий-маиший шароитлар яратиб берилишига боғлиқдир. Бу масалалар район партия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари, бошланғич партия ташкилотлари, ҳар бир ғаллакор хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг доимий диққат марказида бўлиши даркор.

Кузги ва баҳорги дон экинларига ишлов беришга боғлиқ бўлган барча масалаларни оператив ҳал этиш, белгиланган тадбирларни амалга ошириш лалмикор ерларда ҳам, суғориладиган ерларда ҳам бугдой ва арпадан мўл ҳосил етиштириш имконини беради.

ШОДИЁНА УЧРАШУВ

КУСТАНАЙ, 25 февраль. (ТАСС мухбири). Турғай областининг Орқалиқ районидаги Титов номли совхоз ерларига қўнган космонавтлар Виктор Горбатко ва Юрий Глазковни қидириш группаси вертолётда Кустанай аэродромига олиб келган пайтида қош қорайган эди.

...Чарчаган, аммо тетик, жонажон ердаги учрашувдан чехралари хушнуд фазо заб-торкорлари вертолётдан чиқиб келадилар. Кустанайда қўриқ ерларни забт этаётган кишилар уларни самимий кутиб олдилар. Область ижроия комитетининг раиси Н А. Покоморев азиз меҳмонларни қизғин кутиб олди. Виктор Горбатко билан Юрий Глазкова контуз тутадилар, гулдасталар, «Қўриқ ерларни забт этганлик учун» медалларини тақдим этадилар. Кустанайнинг фахрий граждани лентасини уларнинг елкаларидан ўтказиб боғлаб қўядилар.

Совет халқининг космосдан қайтиб келган намояндаларини Қозоғистон диёрида шонли меҳнаткашлар томонидан биринчи бўлиб меҳмондўстлик билан кутиб олиш одат бўлиб қолди, дейди Горбатко. Азиз дўстлар, чин қалбдан ташаккур изҳор қиламиз!

Изгирин совуқ бетларни чимдилайди, аммо ҳеч ким буни сезаётгани йўқ. Ҳамманинг чехрасида табассум, бирбири билан самимий кўришиб, яхши истаклар билдирмоқдалар. Яна бир неча минутдан кейин «Союз-24» экипажи тушган ҳаво ранг лайнер осмонга кўтарилади ва Бойқўнғирга томон йўл олади.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишлаб 24-25 февралда Москвада Совет хотин-қизлар комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Комитет раиси В. В. Николаева-Терешкова пленумда қилган докладида бизнинг мамлакатимизда энг муҳим социал вазифалардан бири ҳал этилганлигини — хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги амалда таъминланганлиги тўғрисида гапирди. Оналар, меҳнаткаш аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини, дам олишини, уларга медицина хизматини ва социал таъминотни янада яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган конкрет тадбирлар Коммунистик партия билан совет давлатининг улар тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигидан далолат бермоқда. Бу тадбирлар КПСС XXV съездининг қарорларида ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўнинчи беш йиллик планида назарда тутилган.

Пленум жаҳон хотин-қизларининг ўз ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун олиб бораётган кураши билан бирдамлик тўғрисида баёнот қабул қилди.

(ТАСС).

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИНИ ОШИРАЙЛИК

26 февраль куни Тошкентда тугаган илмий-амалий конференция республикадаги педагогика ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш проблемаларига бағишланди. Конференцияни Узбекистон ССР Маориф министрлиги ўтказди. Конференцияда республикадаги ўн тўртта олий ўқув юрти ва ўттиз учта педагогика билим юртининг олимлари ва ўқитувчилари, проректорлари ва илмий бўлим мудирлари, деканлари, бўлим ва кафедраларнинг мудирлари иштирок этдилар.

Учрашув қатнашчилари партия XXV съезди қарорлари асосида педагог кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш соҳасида педагогика ўқув юртлари коллективларининг вазифаларини қараб чиқдилар.

Қабул қилинган тавсияларда энг яхши коллективлар тўплаган тажрибани кенг ёйиш ва ундан фойдаланиш, фан ютуқларини педагогика практикасига жорий этиш, республика мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари учун ўқитувчилар ва педагоглар тайёрлаш савиясини оширишнинг бошқа йўллари кўзда тутилади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ XI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон касаба союзларининг XI съезди 1977 йил 3-4 мартда Тошкентда, Алишер Навоий номли Давлат академик опера ва балет Катта театри биносида (Киров кўчаси, 28-уй) ўтказилади.

Съезд делегатлари Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг Мажлислар залида (Правда Востока кўчаси, 24-уй) 1 март куни соат 12 дан 20 гача ва 2 март куни соат 9 дан 20 гача рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши биринчи бетда).

Барқарор юқори товарли қишлоқ хўжалиги зонаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат негизида қайта ишлашнинг йирик маркази бўлган Кубаннинг ролини ошириш, ўлканинг агро-саноат комплексига кирган барча тармоқлар ва корхоналарнинг биргаликда пухта иш олиб боришларини таъминлаш — ўлка партия ташкилотининг энг муҳим вазифасидир. хўжаликлараро кооперациялаш ва агро-саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш соҳасидаги ишлар иқтисодий, илмий жиҳатдан чуқур асослаб берилган ҳолда қатъият билан олиб борилсин. Дон хўжалиги бундан буён ҳам интенсив ривожлантирилсин, кучли бўғдой, шунингдек шоли, маккажўхори етиштиришга алоҳида эътибор берилсин. Техника экинлари ва мевасабзавот экинлари етиштиришни кўпайтиришга, уларни сақлаш ва қайта ишлашни яхшилашга эришилсин.

КПСС Марказий Комитети чорвачиликдаги қолоқликни тугатиш учун амалий тадбирлар кўриш зарур эканлигига эътиборни жалб этди. Мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш ва наслчилик ишини такомиллаштириш негизида мол ва паррандалар сонини кўпайтириш билан бирга уларнинг маҳсулдорлигини анча оширишга эришиш лозим. Колхоз ва совхоз фермаларида прогрессив технологияни кенг этиш жадаллаштирилсин, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар таннархини анча камайтириш таъминлансин.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари актив амалга оширилсин. Ўлкадаги тупроқ, сув ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш таъминлансин. Экинзорларнинг маҳсулдорлиги оширилсин, уларни сув ва шамол эрозияси таъсиридан муҳофаза қилиш яхшилансин. Қора денгиз ва Азов денгизи ҳавзаларида қўлларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик учун зарур чоралар кўрилсин.

Меҳнаткашлар маданий-маиший турмуш шароитини яхшилашга доим эътибор берилсин. Уй-жой, мактаб, болалар муассасаларини ва даволаш муассасаларини қуриш планларини бажариш учун, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг шохобчаларини ривожлантириш ва уларнинг иш маданиятини юксалтириш учун шаҳар, район партия комитетлари, совет ва хўжалик органларига нисбатан қўйиладиган талабчанлик кучайтирилсин.

Ўлкадаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари омманинг ижодий ташаббусини янада ривожлантириш, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўниничи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида баён этилган вазифаларга мувофиқ социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш чораларини кўришлари зарур. Барча меҳнат коллективларининг, ишчилар ва колхозчиларнинг йиллик ва умуман беш йиллик план топшириқларини яхши билиб олишлари, меҳнат жараёнидаги ўз роли ва ўрнини аниқ равшан тасаввур этишлари таъминлансин. Муқобил планлар, коллектив ва якка мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Ўлкадаги партия комитетлари ҳар бир партия ташкилотининг чинакам амалий ва фойдали ташаббусларини рағбатлантириб, кенг ёйишга, новаторликка, олға қараб қилинаётган ҳаракатга халқит берувчи нарсаларнинг ҳаммасини қатъий бартараф қилишга эришишлари лозим. Фаннинг ишлаб чиқариш билан ижодий алоқаларини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, энг яхши ютуқларни кенг жорий этиш, деҳқончиликнинг юксак маданиятига эришаётган коллективларнинг, чорвачилик илғорларининг тажрибасини Кубандаги барча хўжаликларнинг мулкига айлантириш, ўлкадаги корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг комплекс системасини ишлаб чиқиш соҳасида бошланган ишни кучайтириб юбориш, қурилишни ташкил этишнинг прогрессив методларидан яхшироқ фойдаланиш керак.

КПСС Марказий Комитети партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларига барча меҳнаткашларда, хусусан ёшларда коммунистик ғоявийликни, ҳаётдаги актив позицияни сабот билан шакллантиришни, аҳоли турли гуруҳларининг ўзига хос эҳтиёжларини яхшироқ ҳисобга олишни топширди. Кишиларни сиёсий жиҳатдан маърифатли қилиш ва ўқитиш уларни иқтисодий фойдали меҳнатга, жамият ишларини бошқаришга жалб этиш билан изчил қўшиб олиб борилсин. Кишиларни сиёсий, меҳнатсеварлик ва ахлоқий тарбиялаш мактаби бўлмиш социалистик мусобақанинг аҳамияти оширилсин. Меҳнат интизомини бузувчиларга қарши ва ахлоққа хилоф бўлган бошқача хатти-ҳаракатларга қарши курашда ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатишнинг ҳамма воситаларидан, жамоатчилик таъсиридан, қонун кучидан кенг фойдаланилсин.

КПСС ўлка комитети область, шаҳар ва район партия комитетларига раҳбарликни қунт билан такомиллаштириш, уларнинг ишини ҳар томонлама анализ қилиши, айрим масалалар юзасидангина эмас, балки умуман уларнинг фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни ҳам мунтазам суратда қараб чиқиши керак. Партия комитетларининг ҳамма ўзларига хос бўлган сиёсий методлар билан иш кўришлари, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг ташаббусини ривожлантиришлари ҳамда уларнинг ролини оширишлари, уларнинг ўрнини босиш, маъмурий усуллар қўлланиш фактларига йўл қўймасликлари муҳимдир.

Партия органларининг ишида коллективчилик мустаҳкамлансин. Партия раҳбарлигининг ана шу олий принципига, қатъий риоя қилиш малакали қарорлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаши, субъективизмга қарши мустаҳкам гарантия бўлиб хизмат қилиши лозим. Пленумларда, бюро мажлисларида, партия йиғилишларида шундай вазиятни вужудга келтириш зарурки, қўйилган масалалар чуқур ва принципиал муҳокама қилинсин, ҳар ким ўз фикрини очиқ баён қилиб берсин, камчиликлар очиб ташлансин. Сайлаб қўйиладиган партия активига қараб чиқиш учун тақдим этиладиган проблемаларни ўрганишда, ташкилотчилик ва сиёсий иш малакаларини ҳосил қилишда катта ёрдам берилсин.

КПСС ўлка комитети партия ва ҳукумат директиваларининг, ўз қарорларининг бажарилишини текшириш ва уларнинг ижросини ташкил этишни доим яхши йўлга қўйиши керак. Контролнинг ишнинг боришига, хато ва камчиликларнинг олдини олишга кўрсатадиган таъсирини кучайтириш керак.

Жойлардаги аҳвол чуқур ўрганиб чиқилсин. Ҳар бир раҳбарнинг хизмат йўли билан бажариладиган энг муҳим бурчи сифатида ижрони текшириш билан шахсан шуғулланиши таъминлансин. Контроль қилиш ишида камчиликларни принципиал танқид қилиш ва ижобий ўзгаришларни ўртоқларча қўллаб-қувватлаш муҳим эканлиги эсдан чиқарилмасин. Ўлка партия комитетининг секретариати амалга оширадиган контроль мунтазам ўтказилиб, унинг таъсирчанлиги кучайтирилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ўлка партия ташкилоти кадрлар билан ишлаш даражасини янада ошириши керак, деб ҳисоблайди. Ҳозирги шароитда раҳбар ходим партиявийликни ишнинг кўзини яхши билиш билан, интизомни қўйилган вазифаларни ҳал этишга ижодий ёндашиш билан, талабчанликни кишиларга сезгир муносабатда бўлиш билан узвий равишда қўшиб олиб бориши керак. КПСС ўлка комитети, область, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари», Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов «КПСС XXV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш тўғрисида» доклад қилдилар. «Пахтачиликда илмий техника тараққиёти ва уни янада ривожлантириш йўллари», «Пахтачиликда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш», «Пахтани алмашлаб экиш», «Деҳқончилик маданиятини кучайтиришнинг бош мезони» каби мавзуларда ўқилган доклад ва лекциялар семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Семинарда партиявий ташкилий, ғоявий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари юзасидан тажриба алмашув бўлди. Семинар қатнашчилари «Ленинград», «Коммунизм», М. Горький номли колхозларда бўлиб, партия ташкилотларининг иш услуби билан танишдилар.

* * *

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозида Сурхондарё ва Қашқадарё областлари пахтакор колхозлари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг уч кунлик зонал семинар-кенгаши иш бошлади. Дастлабки куни семинарда СоюзНИХИ директори А. Имомалиев «КПСС XXV съезди қарорлари асосида пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари», Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг уруғчилик бошқармаси бошлиғи В. Малинин «КПСС XXV съезди қарорлари асосида уруғчиликни яхшилаш проблемалари», СоюзНИХИнинг бўлим мудири Қ. Мирзажонов «Ғўза парваришида шамол эррозиясига қарши кураш», Сурхондарё область партия комитетининг секретари Қ. Бобоқулов «КПСС XXV съезди қарорлари асосида қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини янада тезлаштириш йўллари» деган мавзуларда докладлар қилдилар.

Семинар-кенгашда бир қатор колхозлар бошланғич партия ташкилотлари секретарлари хўжаликда партиявий раҳбарлиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш юзасидан партия ташкилотлари орттирган тажрибалар ҳақида сўзлаб бердилар.

Тошкентдаги пластмасса ва рўзғор химияси заводида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кўплаб маҳсулотлар тайёрланмоқда. Суратда: плёнка ишлаб чиқариш бўйича агрегат оператори А. Орипов.

И. Глауберзон фотоси.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИ СЕМИНАРИ

ТЎРТКЎЛ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ерда Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм область пахтакор колхозлари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг уч кунлик семинарини ўтказди. Семинарда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати М. Абдуллаев «КПСС XXV съезди қарорлари асосида 1977—1980 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг истиқболлари ва бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари», Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов «КПСС XXV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш тўғрисида» доклад қилдилар. «Пахтачиликда илмий техника тараққиёти ва уни янада ривожлантириш йўллари», «Пахтачиликда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш», «Пахтани алмашлаб экиш», «Деҳқончилик маданиятини кучайтиришнинг бош мезони» каби мавзуларда ўқилган доклад ва лекциялар семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Семинарда партиявий ташкилий, ғоявий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари юзасидан тажриба алмашув бўлди. Семинар қатнашчилари «Ленинград», «Коммунизм», М. Горький номли колхозларда бўлиб, партия ташкилотларининг иш услуби билан танишдилар.

* * *

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозида Сурхондарё ва Қашқадарё областлари пахтакор колхозлари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг уч кунлик зонал семинар-кенгаши иш бошлади. Дастлабки куни семинарда СоюзНИХИ директори А. Имомалиев «КПСС XXV съезди қарорлари асосида пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари», Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг уруғчилик бошқармаси бошлиғи В. Малинин «КПСС XXV съезди қарорлари асосида уруғчиликни яхшилаш проблемалари», СоюзНИХИнинг бўлим мудири Қ. Мирзажонов «Ғўза парваришида шамол эррозиясига қарши кураш», Сурхондарё область партия комитетининг секретари Қ. Бобоқулов «КПСС XXV съезди қарорлари асосида қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини янада тезлаштириш йўллари» деган мавзуларда докладлар қилдилар.

Семинар-кенгашда бир қатор колхозлар бошланғич партия ташкилотлари секретарлари хўжаликда партиявий раҳбарлиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш юзасидан партия ташкилотлари орттирган тажрибалар ҳақида сўзлаб бердилар.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Республикамиз пойтахти-жамоатчилиги СССР билан Шри Ланка Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллигини нишонламоқда.

25 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу муҳим санага бағишланди. Йиғилишда «СССР — Шри Ланка» дўстлик жамияти Узбекистон бўлимининг активлари иштирок этдилар. Йиғилишда «Шри Ланка — Совет Иттифоқи» дўстлик уюшмаси делегациясининг раҳбари, уюшма раисининг ўринбосари Жая Патирана нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ШАХДАМ ОДИМЛАР

«Статистика» нашриёти «Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг йиллик статистикаси» тўпламини чоп этди. Бу тўплам Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши секретариати томонидан тайёрланган.

Тўпламда келтирилган рақамлар социалистик ҳамкорликдаги мамлакатлар халқ хўжалиги шахдам одимлар билан бир меъёрда ривожланаётганлигидан далолат беради. 1971—1975 йиллардаги қардош давлатлар экономикасининг ўсиши социалистик иқтисодий интеграциянинг чуқурлашуви билан боғлиқдир. 1971 йили қабул қилинган комплекс программа ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва активлаштириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилаётир.

1971—1975 йиллар мобайнида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар бўйича миллий даромад умуман 36 процентдан зиёдига ошди. Болгарияда миллий даромад — 46, Венгрияда—35, ГДРда—30, Монголияда — 38, Польшада — 59, Руминияда — 71, СССРда — 32, Чехословакияда — 31 процентга ошди. Миллий даромаднинг жадал ўсишида саноат ҳал қилувчи роль ўйнади. Бундан 20-30 йил муқаддам асосан аграр хўжаликлари бўлган мамлакатларда саноат потенциали жуда тез суръатларда тараққий этмоқда. Жумладан, Болгарияда саноат потенциалининг ўсиши 55, Польшада 64, Руминияда 84 процентни ташкил этди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий қудрати жадал ривожланаётган бир пайтда капитализм дунёси жиддий социал-иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Агар ўтган беш йилликда социалистик ҳамкорликдаги давлатларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳар йили 8 процентга ошган бўлса, Европа иқтисодий ҳамкорлиги мамлакатлари ва АҚШда эса у 1,2 процент бўлди. 1971 йили Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар «умумий бозор» мамлакатларига нисбатан 2,5 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар.

Қардош социалистик мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги ҳам янги босқичга кўтарилди. 1971—1975 йилларда айрим мамлакатларда об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, ўтган беш йилликка нисбатан 14 процент кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланди. Қорамол туёғи ошди, сут, гўшт, тухум тайёрлаш ошди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар экономикасининг ривожланиши билан бирга аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши яққол кўзга ташланмоқда. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари ўсиши ўтган беш йилликда 29 процентни ташкил этди. Ойлик иш ҳақи ошди, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мустаҳкамланди. 15 миллионга яқин квартира ва шахсий уй-жойлар қурилди. 60 миллион киши янги уй-жойга кўчиб ўтди.

«Статистика» нашриёти чоп этган бу муҳим тўплам ҳамма учун қўлланма бўла олади.

П. ШИНКАРЕНКО, (АПН).

ПРАГАДАГИ ТАНТАНАЛАР

Прагада 24 февралда меҳнаткашларнинг реакция устидан эришган февраль ғалабасининг 29 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак, бошқа партия ва давлат раҳбарлари қатнашдилар

Йиғилишда ЧКП Марказий Комитети президиумининг аъзоси, ЧССР Федерал мажлисининг раиси А. Индра доклад қилди. У 1948 йил февраль ойида халқ демократик революциясининг ўсиб социалистик революцияга айланиши республика учун социализм йўлини очиб берганлигини айтди.

Совет Иттифоқига муносабат, деб таъкидлади А. Индра, Чехословакия учун пролетар интернационализмининг негизи эди ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ЧССР КПСС ва совет халқи билан дўстликни ҳар тарафлама мустаҳкамлайди, уни ўз мамлакатида социализмни ҳимоя қилганидек бундан буён ҳам қатъият билан ҳимоя қилавереди.

1948 йилги февраль воқеаларининг 29 йиллиги муносабати билан Жижков тепалигидаги миллий пантеонда Чехословакиянинг биринчи ишчи президенти К. Готвальд қабрига гулчамбар қўйиш тантанали маросими бўлиб ўтди. (ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ВЭНСНИНГ САФАРИ НИМАНИ КЎРСАТДИ

АҚШ давлат секретари С. Вэнс Яқин Шарққа қилган икки ҳафталик сафаридан қайтиб келгач, Миср, Исроил, Саудия Арабистони, Иордания, Ливан ва Сурия ҳукуматлари билан ўтказган музокаларининг натижалари тўғрисида яқинда президентга маълумот берди. Унинг сафаридан кузатилган мақсад «танишиш»дан ва араблар билан Исроил ўртасидаги можароданд ўзаро курашаётган томонларнинг «фикрлаш тарзини ўрганиш»дан иборат эканлиги расмий равишда эълон қилинган эди. Айни вақтда Американинг Яқин Шарққа аталган пропагандистик эшиттиришларида С. Вэнснинг сафари «Ж. Картер ҳукуматининг араблар билан Исроил ўртасидаги можарони тинч бартараф этишда 1977 йилнинг ўзидаёқ катта силжишга эришиш йўлидаги уринишларининг биринчи қадами» деб таърифланди.

Бироқ ҳозирча бундай силжиш бўлганлиги сезилмаётир, бу муаммонинг ҳал этилиши мушкул аҳволга тушиб қолганлиги учун эса Исроилнинг ҳукмрон доиралари ва уларнинг океан ортидаги ҳомийлари батамом айбдорлирлар. Бу ишда силжишга эришиш учун Америка сиёсатида дабдабали эмас, балки реал ўзгаришлар рўй бериши лозим. Ҳолбуки, АҚШ давлат секретари сафарининг якунларига қараганда бундан ном-нишон ҳам кўринмаяпти.

Биринчидан, Женева конференциясини чақиришни пайсалга солиш тактикаси давом эттирилмоқда: араб давлатлари конференция ишини март ойида қайта бошлашни талаб қилаётган ва уларнинг бу позицияси БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясида деярли якдиллик билан қўллаб-қувватланган бир пайтда АҚШ бу конференцияни шу йилнинг иккинчи ярмига кўчиришни таклиф қилмоқда. Иккинчидан, Америка ҳукумати Фаластин Озодлик ташкилотини эътироф қилишдан ва конференцияда шу Ташкилотнинг мустақил делегацияси иштирок этишига розилик беришдан бош тортмоқда. Франциядаги «Орор» газетаси Вэнс Фаластин Озодлик ташкилотининг раҳбарлари билан учрашишни истамаганлигини қайд этиб, шу Ташкилот раҳбарларининг АҚШ «вақтни чўзишдан бошқа нарсани кўзламаяпти» деган фикрини эслатиб ўтади. Исроил эса бундан фойдаланиб, 1967 йилда ўзи босиб олган араб ерларида мустаҳкам ўрнашиб олишга, Вашингтон ва реакцион араб режимлари билан биргаликда Фаластин Қаршилик ҳаракатига путур етказишга уриниб кўришга интилмоқда.

Фаластинлик араб халқи ўзининг суверен ва мустақил давлатини тузишга шубҳасиз ҳақлидир, унинг бу ҳуқуқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларида ҳам тасдиқланди. Ҳозир бўлса, Вашингтон, Тель-Авив ва Қоҳира мустақил Фаластин давлатини тузиш тўғрисидаги бу ғояга қарши чиқиб, Иордания билан қандайдир конфедерация тузиш лойиҳасини таклиф қилмоқдалар. Ҳолбуки - фаластинликларнинг ўзлари ва Фаластин Озодлик ташкилотининг раҳбарлари бундай конфедерацияга қарши чиқмоқдалар.

Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия Комитетининг Раиси Ясир Арафатнинг уқтириб ўтишича, Исроил ҳукмдорлари Вашингтоннинг ноксиз қўллаб-қувватлашига таянаётганлиги учун ҳам ўжарликни давом эттирмоқда. Бу қўллаб-қувватлаш Исроилнинг ҳавфсизлигини ва мустақил яшашини таъминлашга эмас, балки унинг ҳарбий соҳадаги устунлигини сақлаб қолишга қаратилган. Тель-Авив агрессия ва территориал экспансия сиёсатини давом эттириш учун ўзининг ана шу устунлигидан фойдаланмоқда. Исроил бош министри И. Рабин кейинги тўрт йил ичида ўз мамлакати АҚШдан ҳар йили бир ярим миллиард долларлик қурол-яроғ олиб турганлигини ва шунинг натижасида ҳозир Исроил ҳарбий жиҳатдан «ҳамма араб мамлакатларини бирга қўшганда ҳам, улардан кучлироқ» эканлигини яқинда эслатиб ўтди.

Кучларнинг бундай нисбати янги ҳарбий авантюраларгагина олиб бориши мумкинлигини 1956 ва 1967 йиллардаги қуролли можаролар тажрибаси кўрсатиб турибди. Яқинда Яқин Шарққа бориб келган БМТ Бош секретари Курт Вальдхайм баъзи бу йил Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этишда ҳал қилувчи силжишга эришилмаса, «жуда таҳликали вазият вужудга келади ва янги уруш ҳамда ҳарбий мухолифлик хавфи жуда реал бўлиб қолади» деб хавотирланди.

Ана шундай мураккаб шароитда Совет Иттифоқи изчил ва принципиал позицияда турибди. У Исроил қўшинларини 1967 йилда араблардан босиб олинган ҳамма ерлардан олиб чиқиб кетиш; фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз давлатини тузишдан иборат ажралмас ҳуқуқини амалга ошириш; Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларнинг, шу жумладан Исроилнинг ҳам мустақил яшаш ва ривожланиш ҳуқуқларини таъминлаш; тегишли араб мамлакатлари билан Исроил ўртасидаги уруш ҳолатини тўхтатиш сингари масалаларни ҳал этиш учун Женева конференциясини тезроқ чақиришни талаб қилмоқда.

Женева конференциясининг бошқа қатнашчиларидан ва аввало, Совет Иттифоқи билан биргаликда конференциянинг ҳамраиси бўлган АҚШдан ҳам ана шундай масъулият билан иш тутиш талаб қилинади. Қўшма Штатлар реакцион доираларнинг Яқин Шарқ можаросини бартараф этишда қатнашишдан Совет Иттифоқини четлатиришга йўлидаги тинимсиз уринишлари калтабинликкина бўлмай, хатарли ҳамдир. Яқин Шарқдаги аҳволни Совет Иттифоқининг иштирокисиз, айниқса унинг давлат манфаатларига хилоф равишда сиёсий жиҳатдан узоқ муддатни кўзлаб бартараф этиб бўлмайди ва бундай қилиш мумкин эмас.

ҲИНДИСТОН САЙЛОВ АРАФАСИДА

Ҳиндистон парламентининг халқ (қуйи) палатасига 16-20 мартда бўладиган сайловга кун сайин кам вақт қолмоқда. Ҳамма сайлов округларида депутатликка кўрсатилган номзодларнинг рўйхатлари тасдиқланиб бўлди.

Шиддатли сайлов олди курашига киришган етакчи сиёсий партиялар ва блоклар ўз сайлов платформаларини эълон қилдилар. Ҳукмрон партия — Ҳиндистон Миллий конгресси ўз манифестида социал-иқтисодий ислоҳотлар йўлига, жумладан Ҳиндистонни индустриялашни давом эттириш ва унинг экономикасидаги давлат сектори позицияларини кенгайтириш йўлига содик эканлигини тасдиқлади. Ҳиндистон Коммунистик партияси ва бошқа тараққийпарвар ташкилотлар бу йўлни асосан маъқулламоқдалар. Мамлакатнинг уч штати— Ғарбий Бенгалия, Керала, Тамилнаду штатларида Коммунистик партия Ҳиндистон Миллий конгресс партияси билан ҳамкорликда ҳаракат қилади.

Айни вақтда Компартия ўз ҳаракат программасини эълон қилди. Бу программада халқнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва унинг экономикасини юксалтириш, демократияни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кўзда тутилган. Ҳиндистон Компартияси Ҳиндистон ташқи сиёсатининг империализмга қарши йўналишини кучайтириш, ўзга территориялардаги ажнабий ҳарбий базаларга қарши курашни активлаштириш, антимпериалистик асосда қўшилмаслик ҳаракатини мустаҳкамлаш, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстликни кенгайтириш зарурлигини айтмоқда.

Ўнг партиялар блокининг сайлов олди манифести турли-туман сафсата гаплар ва пуч ваъдалар билан тўлиб-тошган. Бу гап ва ваъдалар унинг раҳбарлари қандай қилиб бўлмасин И. Гандининг ҳозирги ҳукуматини ҳокимиятдан четлатиштиришгагина ўринаётганлигини фош қилиб кўйди. Кузатувчиларнинг таъкидлаб ёзишича, Ҳиндистон миллий конгрессининг таниқли арбоби Ж. Рам бошчилигидаги гуруҳнинг шу партиядан ажралиб чиққан бир шароитда бу реакцион блокнинг тузилиши мамлакатнинг тараққийпарвар кучлари учун тахликалидир. Гап шундаки, ўтган сайловларда якка-якка ҳаракат қилган ҳамма ўнг партиялар олган овозлар бирга қўшилса, жами сайловчилар овозларининг ярмисига яқинлашиб қолар эди.

Энг катта капиталистик давлатлар бу галги сайловга зўр қизиқиш билан қараётганлиги ҳам эътиборни ўзига тортади. Ҳозир мамлакатда ўтказилаётган сайлов олди митингларида Ҳиндистон Миллий конгресси, Ҳиндистон Коммунистик партияси, Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси ва бошқа демократик ташкилотларнинг вакиллари халқ оммасига империализм билан Ҳиндистон реакциясининг тил бириктириши хавфли эканлигини тушунтириб бермоқдалар. Бу тил бириктиришни кенг демократик бирлик негизида барча тараққийпарвар кучларнинг ғайратҳаракатларини бирлаштириш йўли билангина барбод этиш мумкинлигини улар таъкидлаб ўтишмоқда. Фақат шу негиздангина Ҳиндистоннинг тинчлик, тараққиёт ва демократия йўлидаги янги муваффақиятлари таъминланиши мумкин.

С. ЛОСЕВ, А. БИРЮКОВ, (ТАСС).

ХИТОЙДА «ТЎРТЛАР ГУРУҲИ»ГА ҚАРШИ КУРАШ

ПЕКИН, 25 февраль. (ТАСС). Хитойда «тўртлар гуруҳи»га қарши кампания янада кенгайиб бормоқда ва раҳбарлар унга 1977 йилги марказий вазифа, деб баҳо бермоқдалар. Хитойнинг расмий маълумотларига кўра, Пекиннинг бир ўзидагина кейинги ойлар ичида «тўртлар»ни қоралаш учун чақирилган 50 мингдан ортиқ митинг ва партия мажлислари бўлиб ўтган. Ўша маълумотларга кўра, шу митинг ва йиғилишларда 20 миллион киши қатнашган.

Бутун шу кампания «Мао Цзэ-дунннинг революцион ғояларига» садоқат шиори остида олиб борилмоқда. Шу билан бирга бемаъниликка қадар етиб борувчи антисовет гаплар диққатни ўзига жалб қилади.

«Тўртлар»ни танқид қилиш «Чжэнфэн» ҳаракати билан бирга, аслида эса навбатдаги тозалаш билан бирга олиб борилмоқда. Хитой матбуотининг материалларига қараганда, «Чжэнфэн» ҳаракати ҳамма даражалардаги партия ва давлат аппаратларига ёйилган.

Жойларда тозалаш ўтказиш учун вилоятлар, автоном районлар, уезднар, шаҳарларда махсус «бригадалар» тузилган ва уларнинг составига кўпгина ҳолларда қуролли кучларнинг вакиллари киритилмоқда.

Министрлар, вилоят ва ҳарбий округларнинг раҳбарлари даражасида янги кишилар тайинланганлиги тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлди. Аммо, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари Яо Ляньвэйнинг айтишича, ХКП Марказий Комитетида марказдаги бир қанча раҳбар лавозимларни эгаллаш хусусида равшан бир фикр йўқ. X съездда сайланган ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 21 кишидан иборат составдаги аъзолари ва тўрт нафар аъзоликка кандидатларидан 16 киши қолган. Ўша Яо Лянь-Вэйнинг айтишича, «тўртлар гуруҳи»ни танқид қилиш поёнига етказилмас экан, ХКП съезди ёки халқ вакиллари Умумхитой мажлисини чақириш учун шарт-шароит яратилган деб бўлмайди».

Пекиндаги чет эллик мухбирлар Хитойнинг ишончли манбаларига суяниб, айрим вилоятларда Цзян Цинни танқид қилишда «сусткашлик кўрсатаётган» расмий кишиларни қораловчи деворий газеталар пайдо бўлганлигини хабар қилмоқдалар.

Хитойда эълон қилинган материаллар ва чет эл информация агентликларининг хабарларига қараганда, ХХР-даги вазият мураккаблигича қолмоқда, воқеалар ривожланиб боришининг ўзи маълум даражада бир-бирига зид характердадир.

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

ПЕКИН, 26 февраль. (ТАСС). Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунининг 59 йиллиги муносабати билан СССРнинг ХХРдаги элчихонаси вакиллари Хитойни озод қилиш учун япон милитаристларига қарши жангларда ҳалок бўлган совет жангчиларининг Далянь шаҳридаги ёдгорлигига гулчамбар қўйдилар. Харбин, Шэньян, Чанчунь, Люйшунькоу (Порт-Артур) ва Ухань шаҳарларида ва бошқа бир қанча шаҳарларда, Синьхуа агентлигининг хабарига қараганда, Совет Армиясининг ҳалок бўлган жангчилари қабристонига, совет жангчиларининг монументлари ва ёдгорликларига революцион комитетлар ва Хитой—Совет дўстлиги жамияти бўлимлари номидан гулчамбарлар қўйилди. Совет вакилларига бу шаҳарларга бориш учун рухсат берилмади.

ТАШАББУСКОРЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАМОҚДАЛАР

МЕХАНИЗАТОРНИНГ ИБРАТИ

Роннинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда. Шижоаткор чўлқуварнинг меҳнат фаолияти саҳифаларини жуда қўплаб шонли ишлар безаб турибди. У ўзининг ҳалол ва мардонавор меҳнати учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Бундан ташқари у «Голодностепстрой» бошқармаси механизаторлари ўртасида ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берган ажойиб бульдозерчидир.

— Мен ўниничи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилганман, — дейди у, — ана шу ваъдамни бажариш учун ҳар бир қулай имкониятлардан унумли фойдаланмоқдаман.

Мирзачўл ерларини боғу бўстонга ва «ок олтин» водийсига айлантириш учун чинакам бел боғлаган бундай фидокорларнинг ватанпарварлик ҳаракатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ўз вақтида мақулланди ва бу ташаббусни кенг ёйиш тавсия этилди.

Чўлқувар механизатор эришган муваффақиятлари ўз-ўзидан юзага келгани йўқ. Бу — унинг техникани пухта билиб олганлиги ва ўз касбига садоқат билан қараганлиги натижасидир. Бундан ташқари у ўз машинасининг бузилиб қолишига сира йўл қўймайди, жорий ремонтларни эса белгиланган муддатда ўз вақтида ўтказади. Ҳар бир минутни тежаб-тергаб сарфлайди.

— Самарадорлик ва сифат учун кураш ҳар бир механизаторнинг доимий шиори бўлиши керак,—дейди у. Давр шуни тақозо этмоқда, партия шуни талаб этмоқда.

Куни кеча редакцияга хушхабар келди: илғор механизатор яна бир катта маррани эгаллади. Пил бошидан бўён у пландан ташқари бир неча ўн минг куб метр тупроқ ишларини бажаришга эришди.

Шу кунларда илғор механизатор ва унинг ҳамкасблари қўриқдаги 5-совхоз территориясида зовур шоҳобчаларини тезкорлик билан ўрнатмоқдалар. Бу ишда илғор механизатор алоҳида ўрнак кўрсатмоқда. Чунки, чўлқуварлар қадимий мудроқ ерларни инсон учун хизмат қилдириш учун ҳар доим кураш олиб бормоқдалар.

СИФАТ КЎРСАТКИЧИ — ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ—ХАЛҚҚА!

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ФЕВРАЛЬ 1977 ЙИЛ 1-2 (36)

ЎН ТЎРТЛАР ҲАРАКАТИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗАВЕРСИН

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Октябрнинг 60 йиллигі кунигача уч ярим тўрт йиллик топшириқларини бажариш юзасидан республикамизнинг илғор ўн тўрт ишчиси бошлаган ажойиб ватанпарварлик ташаббуси Хивадаги Крупская номли гиламчилик фабрикаси коллективи ўртасида юксак кўтаринкилик уйғотди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу ташаббусга илғор тўқувчилар активлик билан қўшилиб, янги мажбуриятлар қабул қилдилар. Гилам ва палос тўқувчилардан етти киши тўрт йиллик топшириқни, ўндан ортиқ ишчи эса уч ярим йиллик топшириқни Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига қадар бажаришга аҳд қилишди.

Қуйида улардан тўрт кишига сўз берамиз.

Дармон РЎЗИМАТОВА, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди делегати, палос тўқувчи:

— Юбилейгача тўрт йиллик топшириқни бажариш ҳазилакам иш эмас. Беш йиллик топшириққа кўра 630 квадрат метр палос тўқишим керак. Ўтган йили 126 квадрат метр ўрнига 200 квадрат метрдан ортиқ палос тўқиб, қарийб икки йиллик топшириқни адо этдим. Тўрт йиллиги юбилейгача бажариш учун энг муҳими — иш вақтидан самарали фойдаланишим, тез, сифатли тўқиш борасидаги маҳоратимни тобора оширишим керак. Бу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдаман, ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришмоқдаман.

Гулхоним ЭШЧОНОВА, Хоразм область Совети депутати, гилам тўқувчи:

Мана, мен «Хоразм гули» маркали гиламни тўқишни поёнига етказдим. Гулдор, бежирим гилам чўгдек ёнади. Халқимизга шундай сифатли маҳсулотгина манзур бўлади. Моҳир қўлларнинг тинимсиз ҳаракати, кўзимиз нури туфайли яхши маҳсулот бунёдга келади. 155 квадрат метр гилам тўқиб берсам, беш йиллик топшириқ бажарилади. Ҳозирча икки йиллик маррани эгалладим. Юбилейни тўрт йиллик топшириқни уддалаш билан кутиб оламан. Ҳамкасбларим Махфира Маҳмудова, Рўзика Сафоевалар ҳам вақтдан ўзиб ишлаётирлар.

Ойбиби ЖОНБЕКОВА, гилам тўқувчи:

— Мен Ўнлар ташаббусига қўшилиб, ўнинчи беш йилликда икки беш йилликни бажаришга сўз берганман. Ҳозир 1978 йил ҳисобига гилам тўқимоқдаман. Январь ойи якунига кўра, мусобақада ғолиб чиқиб, фабрика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдим. Ғолибликни қўлдан бермайман.

Ниёзжон НОРМАТОВА, цех партия ташкилоти секретари, палос тўқувчи:

— Корхонамиз ўтган йили қарийб 20 минг квадрат метр гилам ва полос, яъни 581 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ошиб, 70 минг сўмдан ортиқ иқтисодий фойда олинди, 2430 сўмлик хом ашё иқтисод қилинди. Бу йилги ва беш йиллик планларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақа оммавий тус олди. Коммунистлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача уч ярим-тўрт йиллик топшириқларни бажариш ташаббусига қўшилиб, мусобақада олдинги сафда бормоқдалар. Менинг аҳдим ҳам шундай. Вақтдан ўзиб ишлаб, олган юксак мажбуриятимни шараф билан бажаришга эришаман.

Хива гиламчиларининг сўзи билан иши бир. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейига муносиб туҳфа ҳозирлаш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ЭҲТИЁЖ ВА ИЖРО

Партия ва ҳукуматимиз халқ моддий турмуш даражасини юксалтириш соҳасида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қабул қилган тарихий ҳужжатларда халқ фаровонлигини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Республикамиз саноат корхоналарининг меҳнаткашлари бу кўрсатмаларни оғишмай амалга ошириш учун баланд руҳ билан ишлаб, кундалик турмушда кўплаб эҳтиёж сезиладиган буюмлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ривожлантириш ва уларнинг сифатини яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки натижалари олинган юксак социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилаётганлигини кўрсатмоқда. Кўплаб илғор ишлаб чиқариш коллективлари Улуғ Октябрь шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўзбекистон саноати январь ойи топшириқларини муваффақиятли бажарди. Саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 1,8 процент ортиғи билан адо этилди. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўтган йилнинг январидагига қараганда 4,4 процент зиёд бўлди. Қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятлар ҳисобига пландан ташқари 18,4 миллион сўмлик маҳсулот реализация этилди.

Халқ истеъмоли учун зарур маҳсулот тайёрлаб чиқарувчи етакчи тармоқлардан бири — республика енгил саноати ой мобайнида қўшимча 2,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Аҳоли учун пландан ташқари кўплаб газлама, пойафзал ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳсулотларнинг сифати анча яхшиланди. Қатор буюмларни давлат Сифат белгиси билан тайёрлаш ўзлаштирилди.

Енгил саноат корхоналарининг ҳаммаси бир меъёрда ишлаганда халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш ҳажми янада ортган бўлур эди. Афсуски, баъзи корхоналар кундалик ва смена графикларига тўла амал қилмаслик оқибатида қолоқликка йўл қўйдилар. Масалан, Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналар ойлик планни бажармадилар. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари бундай коллективларни етарли ишчи кучи билан таъминлашда ёрдам кўрсатишлари, планларнигина эмас, олинган социалистик мажбуриятларнинг ҳам адо этилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўришлари керак. Бухоро ип газлама комбинатидаги аҳволни тузатиш билан астойдил шуғулланиш талаб этилади. Корхонада ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш суст бораётганлиги билан мутлақо келишиб бўлмайди.

Январь ойи якунлари шуни кўрсатмоқдаки, баъзи министрлик, идора, бирлашма ва корхоналарнинг хўжалик фаолияти даражаси КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1976 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V Пленуми қарорлари талабига тўла жавоб бермаяпти. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми секин ўсмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши бўйича белгиланган ойлик топшириқ планга нисбатан 99,3 процент бажарилди. Бу ўтган йилнинг дастлабки ойида эришилганидан 2,5 процент кўп бўлса-да, кўзда тутилган топшириқ адо этилмай қолди. Ҳануз айрим енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаётир.

Меҳнат коллективларида Октябрь юбилейи олди социалистик мусобақаси кенг қулоч ёймоқда. Юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари иш вақтидан, машина ва ускуналардан, барча ресурслардан оқилона фойдаланиб, тармоқда энг юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Муқобил планларни знёда бажаришга имкон берадиган резервларни ишга солмоқдалар. Республикамиз саноат корхоналарининг 14 зарбдор ишчиси Октябрь 60 йиллиги байрами кунигача беш йилликнинг 3,5-4 йили марраларини эгаллаш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этиш учун матонат билан меҳнат қилмоқдалар. Шунга эришиш керакки, планларгина эмас, социалистик мажбуриятлар ҳам тўла бажарилиши учун барча резерв ва имкониятларни ишга солайлик.

Чирчиқ болалар пойафзали фабрикаси коллективи бу йил пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, 250 минг жуфт пойафзални давлат Сифат белгиси остида ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Корхона пойафзалчилари бу маррани Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигига қадар эгаллаш учун аҳд қилдилар. Суратда: фабрика бичиш цехининг илғор ишчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Зулайхо Мирзакаримова.

Ж. Тўраев фотоси.

МУСОБАҚАДОШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЭЪТИБОРИ:

...ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАДИГАН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КЎПАЙТИРИШГА, УЛАРНИНГ АССОРТИМЕНТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЯНГИЛАШГА, ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА МОС КЕЛАДИГАН БУЮМЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ АМАЛГА ОШИРИШГА... ҚАРАТИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ қароридан).

«А» ГРУППАСИ КОРХОНАЛАРИДА

БИЛЛУРИМИЗ ДОВРУҒИ

Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съезди социалистик экономикани ривожлантириш негизида ахолининг ўсиб бораётган маънавий ва моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш вазифасини қўйди.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар билан бир қаторда «А» группасига мансуб деб аталадиган оғир саноат, машинасозлик, қурилиш индустрияси ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналарининг аҳамияти беқиёс.

Кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бизнинг «Миконд» заводимиз коллективи ҳам дурустгина натижаларни қўлга киритмоқда. Лекин бунга осонликча эришилгани йўқ. Янги цех ташкил этилган пайтданоқ корхонага кўпроқ даромад келтирадиган маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга интилдик. Завод маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари масалани чуқур ҳамда ҳар томонлама пухта муҳокама қилиб, истиқболли маҳсулот тайёрлаш керак, деган ягона фикрга келдилар. Бу — коллективдан ишни йўлга қўйиш учун жуда кўп куч ва маблағ сарфлашни талаб қиларди. Коллективимиз танлаган йўлидан чекинмади, чунки сарф-харажат бора-бора фойда келтиришини яхши англади. Сарфланган катта маблағлар биз кутгандан ҳам тез ўзини қоплади. Бугунги кунга келиб, маданий-маиший моллар цехимиз фақат фойда беряпти.

Яна олти-етти йил олдинги гапларга қайтай. Ўшанда цехимиз учун бутун бошли корпус ажратиб берилди. Унга шиша пишириш печи ўрнатилди. Бу, ишнинг бошланиши эди, холос. Ҳамма соҳада бўлганидек, энг муҳими, кадрлар йўқ эди. Заводимизда кўрғошиндан биллур тайёрловчи янги ҳунарни эгаллашга иштиёқманд ёшлар кўплаб топилди. Уларни биллур идишлар тайёрловчи корхоналарга ўқишга юборишди. Цех қувватларини ўзлаштиришнинг биринчи йилида — 1971 йилда 1 миллион 300 минг сўмлик маҳсулотлар истеъмолчиларга жўнатилди. Бу, планда белгиланганидан 20 минг сўмлик кўп бўлиб, ўша пайтда бор-йўғи уч хил: салатдон, кулдон ва «пахта» рюмкасини ишлаб чиқарган бўлсак-да, уни дастлабки ғалаба сифатида қабул қилдик.

Заводимизда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эътибор йилдан-йилга ортиб борди. Шиша пиширувчи печь бора-бора талабларга жавоб бермай қолиб, янги, серунум агрегат билан алмаштирилди. Цехимизда пуфловчи, пресловчи, сайқалловчи сингари мутахассисларнинг асосий қисми таркиб топди. Уларнинг маҳоратини ошириш, топширилган ишга ижодий ёндашиш ҳислатларини тарбиялаш мақсадида ҳар йили икки-уч марта конкурс ўтказиб турилади. Мен бу синовларни меҳнат байрами, ижодкорлик кўриги деб атагим келади.

Ҳозир биллурдан 25 хил маҳсулот тайёрлаяпмиз. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун резервларни ишга солиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишчилар малакасини такомиллаштириш ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунда корхонамизда 1971 йилдагидан икки баравардан знёд халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки босқичи топшириқлари эса барвақт — 1976 йил 20 декабрда уддаланди. Савдо ташкилотларига қарийб 3 миллион сўмлик биллур ва рангли шишадан тайёрланган буюмлар жўнатилди.

Сифат кўрсаткичи — фаолиятимиз кўзгуси. Харидорлар биз тайёрлаган буюмларга қараб цехдаги ишлаб чиқариш маданиятига, ишчиларнинг маҳоратига баҳо беришади. Биз буни бир дақиқа ҳам ёддан чиқармай, маҳсулот сифатини яхшилаш учун кунт билан изланяпмиз. Агар 1975 йилда умумий маҳсулотимизнинг фақат 10 процентигина биринчи сортларга қабул қилинган бўлса, ушбу кўрсаткич ўтган йили 45 фойизни ташкил қилди.

КПСС XXV съезди йилидаги ютуқларимиз цехимиз коллективини янада руҳлантириб юборди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1976—1980 йилларда кўплаб талаб қилинадиган моллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳақида ва уларнинг сифатини ошириш чоралари тўғрисида»ги қарорига амалий жавоб бериш мақсадида муқобил планни тузишда фаол қатнашдик. Муқобил планга кўра, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида уч ярим миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш белгиланган. Маҳсулотни ўтган йилдагига нисбатан 25 процентга кўпайтирамиз. Ўн хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз. Биз биринчи сортли маҳсулотларнинг умумий ҳажмдаги салмоғини 65-70 процентга етказиш, икки хил: манзарали ваза ва канддонни давлат Сифат белгисига тақдим этиш учун барча чораларни кўрамиз.

Юксак социалистик мажбуриятлар ва муқобил планларимизнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходимнинг бугун кечагидан янада яхшироқ ишлашига боғлиқ. Коллективимиз ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, зарбдор вахтада меҳнат қилмоқда.

Бу йил цехимизда катта ўзгаришлар юз беради. Яъни, буюмларга абразив қайроқтошлар ўрнига олмослар билан ишлов беришга тўла тўйинади. Кимёвий сайқал бериш участкаси реконструкция қилинади. Потокмеханизация системасида ишлов беришнинг бригада методига ўтиш тугалланади. Ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш учун биллур буюмларга мосламалар, прессформалар тайёрланадигани янги участка фойдаланишга топширилади. Юқоридаги ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши, шубҳасиз, меҳнат унумдорлигини кескин кўтаради, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиради.

Ўлкамизда ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили шаҳдам одимлаяпти. Унинг ҳам муваффақиятли якунланишига, Улуғ Октябрь 60 йиллиги муносиб кутиб олиниб, ажойиб зафарлар қўлга киритилишига шак-шубҳа йўқ. Январь-февраль ойларидаги зарбдор меҳнатимиз, ишлаб чиқаришдаги аниқ маромимиз шундай дейишга асос беряпти.

У. ТОШМУҲАМЕДОВА,
«Миконд» заводи сайқалчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

● САМАРҚАНД

ҒОЛИБЛИК БАЙРОҒИ

— Ургут тўқимачилик фабрикасининг меҳнатсевар, аҳил коллективи республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди!

Дарҳақиқат, ургутликлар ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида фидокорона меҳнатлари билан ибрат кўрсатишди. Маҳсулот реализация қилиш плани 108,2, ялпи маҳсулот таёрлаш йиллик топшириғи эса 102,9 процент бажарилди. Аҳолига пландан ташқари кўплаб атлас ва гилам маҳсулотлари армуғон этилди.

Илғор фабриканинг фидокор ишчилари съездлар йилидаги муваффақиятларини бу йил янада мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улар Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқида зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилишган. Инқилоб юбилейи шарафига ўтказилаётган мусобақа дастлабки самарасини берди. Коллектив январь — февраль ойлари топшириғини 15 февралда адо этди.

— Корхонамиз ўнинчи беш йиллиқда янада кенгаяди, — дейди фабрика директори А. Азимов.— Жумладан, тайёрлов цехи қурилади. Бунинг учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тай. ёр. Шунингдек, атлас цехи реконструкция қилинади. Бундан ташқари, янги хил гулдор гилам ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун «Жакард-13» дастгоҳини ўрнатамиз.

А. ИНОМОВ,
А. АҲМЕДОВ.

● НАМАНГАН

МАҲОРАТ ШАРОФАТИ

Қайта ўровчи Ойлархон Оқбоева Улуғ Октябрь 60 йиллигини кунигача тўрт йиллик норма бажариш мажбуриятини олибди, деган хабар аврли газламалар комбинати бўйлаб бир зумда тарқалди. Ёш ишчининг шижоати кўпчиликнинг, айниқса, комсомол-ёшларнинг юрагига чўғ ташлади.

О. Оқбоеванинг ташаббусини биринчилардан бўлиб, ёш тўқувчилардан А. Иномов ва А. Тошбоевлар қўллаб-қувватлашди. Улар мутахассислар ёрдамида иш жойларидаги резервларни аниқлаб чиқишди. Касбларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга ва унинг эвазига беш йиллик топшириқни уч йилда адо этишга аҳд қилдилар. Бошқа касблардаги ўнлаб ишчилар ҳам ана шундай мажбуриятлар билан корхона касаба союз ташкилотига мурожаат қилдилар.

Ёш ишчи О. Оқбоеванинг меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ҳаракати туфайли корхона январь-февраль ойлари планини барвақт ўринлатди.

— Корхонамиз Улуғ Октябрь 60 йиллиги кунигача йиллик маррага етиш мажбуриятини олган, — дейишмоқда фахр билан комбинат ишчилари.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш мусобақасида шаҳардаги бошқа корхоналарнинг кўп дастгоҳчилари ҳам пешқадамлик қилишяпти.

А. АНВАРОВ.

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАЛАРИ

ХАРИДОР ИСТАГИ — ҚОНУН

Кейинги йилларда республикамизда пойафзал ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хилларини кўлайтириш, сифатини яхшилаш борасида, бирмунча ишлар бажарилди. Тошкентдаги 1- ва 2- Самарқанд, Чирчиқ, Янгийўл пойафзал фабрикалари техникавий қайта қуроллантирилиб реконструкция қилинди.

Шунга қарамай, Ўзбекистон пойафзал корхоналари аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиролмаяпти. Масалан, болалар оёқ кийимини олайлик. Савдо нуқталарига чиқарилган пойафзалларнинг атиги 40 процентига яқини болалар оёқ кийимини ташкил қилади. Агар республикамиз аҳолисининг қарийб ярми болалар эканлигини ҳисобга олсак, аҳволни қониқарли, деб бўлмайди. Бунинг устига савдо ходимлари болалар пойафзалини огриниб оладилар. Чунки, сотувчи учун ўн жуфт болалар оёқ кийимини сотгандан кўра, бир жуфт катталар пойафзалини сотган афзал. Бизнинг фикримизча, энг аввало, болалар пойафзали тикувчилар ва чакана савдо ходимларининг болалар пойафзалини сотишдан манфаатдорлигини ошириш пайти келди.

Республика пойафзал фабрикаларининг маҳсулотларини савдо нуқталарига етказиб беришдаги маромни бузишлари ҳам харидорларнинг эътирозига сабаб бўлаётир. Чунки, маҳсулотлар бир неча йилдирки, дўконларга асосан, ойнинг иккинчи ярмида, асосий қисми эса ой охирига 5-6 кун қолганда чиқарилаётир. Натижада харидорлар ўзларига керакли пойафзални хоҳлаган пайтларида сотиб ололмайдилар. Шуниси қизиқки, корхоналар улгуржи савдо ташкилотларига маҳсулотни жўнатгандан кейин, уни ҳисоботларга 100 процент реализация қилинди, деб кўрсатади. Аслида эса у харидор томонидан ҳали сотиб олинмаган, дўкон пештахталарида ёки омборхоналарда ётган, яъни реализация қилинмаган бўлади.

Пойафзал маҳсулотларининг сифати ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўтган йилнинг 11 ойи ичида «Ташобувьторг» республика Енгил саноат министрлиги корхоналаридан 451,5 минг жуфт пойафзал олди. Текширилганда 125 минг жуфт оёқ кийимининг сорти пасайтирилиб, корхоналарга тузатишга қайтариб юборилди. 60,8 минг жуфт пойафзал эса нархи арзонлаштирилиб сотилди. Натижада сифатсиз маҳсулот тайёрлаганликлари учун пойафзал корхоналарига қарийб 334,1 минг сўм жарима солинди. Кўринди турибдики, корхоналардан келган товар «реализация» қилинмади. Фикримизча, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида корхоналарнинг «реализация» планини пойафзалларнинг тўла сотиб бўлинмагунича савдо ташкилотларига боғлиқ қилиб қўйиш керак.

Айрим иқтисодий таъсир чоралари қўрилаётганига қарамай, қатор пойафзал фабрикалари ҳамон эскирган моделдаги оёқ кийимларини тикмоқда. Бу — чакана савдо тармоқларида оёқ кийимларининг ушлаб ётишига, нормадан анча ортиқ маҳсулотларнинг сақланиб қолишига ҳамда товар оборотининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур пойафзалларнинг барида маҳсулотларнинг «юқори сифатлилиги» ҳақида техника назорати бўлимининг муҳри бор.

Техника назорати бўлими — кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхонанинг таркибий қисми. Техника назорати бўлимининг рухсатисиз бирорта ҳам маҳсулот корхонадан савдо ташкилотига жўнатилмайди. Техника назорати хизмати корхонага бўйсунгани учун у ўзининг асосий вазифасини унутиб қўйиб, моддий манфаатдорлик мақсадида маҳсулотнинг кўпроқ реализация қилинишига ҳисса қўшишга интилади. Техника назорати бўлимларини корхоналар ихтиёридан олиб, министрлик ёки кенг истеъмол молларини текшириш Давлат инспекциясига бўйсундириш мақсадга мувофиқ эмасмикан? Шундай қилинса, техника назорати бўлимининг роли ва масъулияти ошган бўларди.

Шу ўринда корхоналарнинг маҳсулот сифати ва реализацияси юзасидан иқтисодий масъулияти ҳақидаги масала ҳам кўндаланг турибди. Очиғини айтганда, ҳозирги пайтда ундириб олинаётган жарималардан савдо ташкилотларига айтарли наф йўқ. Корхоналарга ҳам ўнчалик зарари тегмайди. Чунки, пойафзалчилар жаримани давлат ҳисобидан тўлайдилар-да. Мисол учун республика Енгил саноат министрлигининг пойафзал корхоналари 1975 йилда савдо ташкилотларига сифатсиз маҳсулот етказиб берганликлари учун 1,5 миллион сўмдан зиёд жарима тўлади. Бу рақам ўтган йили ундан ҳам ошиб кетди.

Иқтисодий рағбатлантириш шароитларида белгиланган ассортиментда сифатли маҳсулот тайёрлаш учун саноат корхоналарига таъсир кўрсатишнинг йўллари кўп. Шулардан бири—бир неча босқичли жарима солишдир. Гап шундаки, улгуржи савдо ташкилотларида ҳар куни товаршунос, юрист, бухгалтер каби ўнлаб малакали мутахассислар асосий вазифаларини йиғиштириб қўйиб, саноат корхоналари номига ҳужжат тайёрлаш билан оворадирлар. Улар бунинг учун қанчадан-қанча ҳужжатлар, счёт факторларни титкилашлари, маҳсулот етказиб бериш шартлари тўғрисидаги ҳужжатлардан нусха кўчиришлари керак. Фақат «Ташобувьторг»нинг ўзида ўтган йилнинг 11 ойида 332 та юқорида айтилган ҳужжат тайёрланди. Бу — бир кишининг эмас, катта коллективнинг меҳнатидир. Ҳўш, нима учун ўнлаб юқори малакали мутахассислар саноат корхоналарининг шартномадаги мажбуриятларини бузиб, келишиб олинмаган асссортиментдаги сифатсиз маҳсулотларни мунтазам суратда юборганлари учун ўзларининг асосий вазифалари билан шуғулланмасликлари керак? Ахир улар савдони ташкил қилишни яхшилаш, талаб ва эҳтиёжларни чуқурроқ ўрганиш, савдо маданиятини ошириш билан доимий машғул бўлганларида эди- халқ хўжалиги бундан катта манфаат кўрарди. Шунинг учун сифатсиз маҳсулотга ёзилувчи ҳужжатларни тайёрлашга кетадиган иш вақти, маош ва бошқа харажатларни саноат корхоналаридан қўшимча жарима сифатида ундириб олишни таклиф қиламиз.

Пойафзал маҳсулоти сифатини яхшилаш ва уни белгилаган ассортиментларда етказиб беришда Молдавияда тўпланган тажрибани ўрганса арзийди. Бу ерда пойафзал савдосини яхшилаш, аҳоли талабини тез қондириш ҳамда корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаш мақсадида идоралараро «Пойафзал» иттифоқи тузилган. Унга пойафзал ва чарм корхоналари раҳбарлари ва мутахассислар, савдо ходимлари кирган. Иттифоқ ишини директорлар кенгаши олиб боради. Бундан ташқари, Молдавияда «Енгил саноат — болаларга», «Молдавияда тайёрланган», «Куз, ёз, баҳор модалари» сингари кўргазма — сотувларни ўтказиш одат тусига кирган. Шунингдек, савдо ва корхоналар ўртасида шартнома асосида биргаликда оралиқ бригадаларини ташкил қилиш кенг оммалашяпти. Бригадалар: «Аъло тайёрланган — аъло сотилган» шиори остида ҳаракат қилади.

* * *

Технология режимини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини кескин ошириш ва хилларини кўпайтириш, аҳоли талабини тўлароқ қондириш учун қурашиш — пойафзалчиларнинг асосий бурчи. Аҳоли истаги қонун эканлигини унутмаслик лозим.

М. РУСТАМОВ,
халқ истеъмол товарларига бўлган талабни ва савдо конъюктурасини ўрганиш Бутуниттифоқ илмий-текшириш институти Ўзбекистон филиалининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари кандидати.

АХБОРОТ

АНДИЖОНЛИКЛАР ПАВИЛЬОНИ

Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида ташкил қилинган совет маданияти павильони мамлакатимиздаги энг яхши маданий-оқартув ўйлари, маданият саройлари, клуб, кутубхона, театр, музей каби маданий-оқартув корхоналари ҳақида ҳикоя қилмоқда.

Илғор маданий-оқартув муассасалари қатори Андижон область Москва район маданият уйи коллективининг ютуқлари ҳам кўргазмада ўз аксини топган. «Чашма» ансамбли «Дўстлик» рақсини ижро этаётгани акс этган экспозицияни москвалик томошабинлар илиқ кутиб олдилар. Областдаги Охунбобоев номли колхоз истироҳат ва маданият боғининг ободончилиги хусусидаги экспонатлар ҳам москваликлар диққатига сазовар бўлмоқда.

В. БОРИСОВ.

МОСКВАДАН ХАТЛАР

«ҚИРҚ ГЎЗАЛ»

Санъат ходимлари марказий уйида Қорақалпоғистон автоном республикаси филармонияси коллективининг ҳисобот концерти намойиш этилди. Москва жамоатчилиги «Айкулаш» халқ рақс ансамбли ва «Қирқ гўзал» эстрада группаси концертини томоша қилдилар. Ансамбль солистлари совет композиторлари яратган халқ қўшиқлари опера ва арияларини муваффақият билан ижро этиб, пойтахт томошабинларини мамнун қилдилар.

С. КОСТИРКО.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

Мамлакатимиз пойтахтининг энг йирик кинотеатрларидан бирида «Бугунги Тошкент» деган кўргазма ташкил қилинди. Москваликлар «оқ олтин» ўлкаси пойтахтининг маданий ёдгорликлари, маданияти, доҳий Ленинга ўрнатилган янги ҳайкал, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига бағишланган ёдгорликлар билан танишмоқдалар. Янгидан бунёд этилаётган Тошкентнинг кўкўпар биноларини, кенг равон проспектларни, маданият ва истироҳат боғларини ҳақидаги экспонатларни қизиқиб томоша қилмоқдалар.

Бугунги Тошкент ҳақида ҳикоя қиладиган йирик форматли рангли фотокўргазмани эса 10 мингдан ортиқ киши томоша қилади.

Б. ДУХНЕВИЧ.



УКРАИНА ССР. Киевда Совет Иттифоқида энг йирик осма кўприк қурилди. Днепр дарёси устида қурилган бу гигант иншоотнинг асосий пролётининг узунлиги 300 метрдир. Суратда: янги кўприкнинг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

УЙЛАРДА ЭЛЕКТРОНИКА

Минск шаҳри уй бошқармаларидан бирида ишга туширилган диспетчерлик системаси марказий иситиш системаси ишини кеча-кундуз назорат қилиб, сув таъминотини кузатиб туради, нуқсонларни бартараф қилиш тўғрисида берилган заявкаларни рўйхатга олади. Уйларнинг йўлакларида ўрнатилган гапириш қурилмалари диспетчерлик хизмати билан оператив боғланишга, навбатчи механикини чақиришга имкон беради.

Шу универсал система жорий этилганлиги натижасида уй-ют фондини сақлаш учун харажатлар анча камайди. Беш йилликнинг охирида Минск шаҳридаги барча йирик уй бошқармаларида шундай диспетчерлик системаси ўрнатилади.

СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЛАНИ АСОСИДА

Тожикистон пойтахтининг йирик саноат корхонаси — Оржоникидзе номли арматура заводи ишчиларидан яна 100 оила янги уйларга кўчиб кирди. Шу билан ўнинчи беш йилликда коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш планининг яна бир муҳим моддаси бажарилди. Шу планга мувофиқ келгуси йилда корхона ходимлари учун яна битта тўққиз қаватли уй-жой, беш йилликнинг охирида эса профилакторий, болалар боғчаси қуриш мўлжалланмоқда.

ИХЧАМ АГРЕГАТЛАР

«Армэлектромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси Ленин номли Ереван электр машинасозлиги заводи конвейерида жами бир юзлик миллионта трансформатор тайёрланди. Янги сериядаги машина илгариги нусхасига қараганда уч баравар кучли бўлишига қарамай, ихчам бўлиб ҳар хил об-ҳаво шароитида ишлашга мослаштирилган агрегатга давлат Сифат белгиси берилди.

Генераторлар, нўчма станциялар, асинхрон двигателлар, трансформаторлар ва бошқа электр машиналар бу ердан мамлакатнинг турли районларига жўнатилмоқда. Буюртмачилар Ереванда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги байрамигача пландан ташқари юзлаб электрагрегатлар оладилар.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЮЛДУЗЛАР ШИВИРЛАШИ

Юлдузларнинг шивирлашини эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз чекка шимолга келинг. Бу ерда совуқ авжига чиққан кунларда галла тўкилганда чиқадиган овозни эслатадиган ўз нафасингизнинг овозини эшитишингиз мумкин. Якутлар билан чукчилар бу ҳодисани юлдузлар пичирлаши деб атайдилар. Совуқ 48 даражага етганида ана шу ҳодиса бошланиб, у совуқ аўрайган сари кучаяверади ва шамолга қарши ҳаракат қилинганида тобора яққолроқ эшитилади.

Билибинода икки ҳафтадан буён эллик даражали совуқ бўлиб турибди. Оппоқ совуқ туман посёлкани ўраб олган. Машиналар ҳатто кундузи чироқларини ёқиб юради. Аммо совуқ ҳалдан ташқари авж олиб кетганига қарамасдан корхоналар, муассасалар, магазинлар ишлаб турибди. Шу кунларда иккита кўп қаватли биноларга 120 оила кўчиб кирди.

Ҳозир шимолликлар учун юлдузлар шивирлашадиган пайт ҳам қўрқинчли эмас.

Ё. ЧЕРНИВЧАН.

Чукотка миллий округи, Билибино.

ТАСС мухбири.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА

БОТ ҚАРИМАЙ ДЕСАНГИЗ...

УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРЛАРИ

Болалар ўлимининг кескин камайиши, аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг камайиб бориши ўртача умрнинг узайишига олиб келяпти. 30 йил давомида, яъни 1935—1939 йилларидан 1965—1969 йилларга қадар дунёда ўртача умр умуман 40 ёшдан 53 ёшга етди, жумладан, ривожланаётган мамлакатларда 32 ёшдан 50 ёшга, ривожланган мамлакатларда 56 ёшдан 70 ёшга етди. Революцияга қадар ўртача умр Россияда эркаклар учун 31 йил, аёллар учун 33 йил эди. 1970 йилга келиб СССРда бу кўрсаткич эркаклар учун 65 йилга, аёллар учун 74 йилга етди. Бизнинг республикамизда ҳам ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

Айримлар олтмишдан ошиб, баъзилари етмиш билан етаклашиб кетаётган кишилар Ўзбекистонда ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Ризамат ота Мусамуҳамедов, Бузрукхўжа Усмонхўжаев, Ҳамроқул Носиров ва бошқалар жўшқинлик билан баракали меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозир кексалик ёши ўзгариб боряпти. Эндиликда қарилик анча кеч бошланмоқда. Тажриба-тадқиқотлар инсон 100 йил нормал яшаши мумкин эканлигини кўрсатди.

Соғлом ва қувноқ ёшликни инсон умрининг баҳори деб аташ мумкин. Ақлий ва жисмоний жиҳатдан камолга етган ўрта ёш эса инсоннинг ёзи, ниҳоят қарилик олтин куздир. Инсон қариганда қаёт тажрибаси ортиб, жамиятга кўп фойда келтириши мумкин.

Икки нарсанинг қадрини йўқотгандан кейин биласан — булар ёшлик ва саломатликдир, дейилади араб халқ мақолида. Кўпинча биз ўз саломатлигимизни беҳуда сарфлаймиз. Кеч ётиш, вақтида овқатланмаслик ёки ётиш олдидан тўйиб овқатланиш, дам олиш кунларини дим ва тутун босган хонада шахмат, домино ўйнаб ўтказиш, спиртли ичимликлар ичиш, буларнинг ҳаммаси организмимизни аста-секин ишдан чиқаради, ёшлигимизни қисқартиради.

Шуниси таассуфки, ўз саломатлигимиз тўғрисида ўзимиз ажралаётганимизда, саломатликни тиклаш зарурат бўлиб қолганда гина эслаймиз. Ёшликни ва саломатликни сақлаш тўғрисида олдинроқ ўйламоқ лозим.

Гигиена фани асосчиларидан бири Макс Поттенкофер шундай деб ёзган эди: **«Биз ҳаммамиз бой ота-оналарнинг ҳисофгар ворислари каби иш тутамиз. Мероснинг қиймати олган саломатлигимизнинг ҳаққий қиймати** бўлмай, **уни беҳуда сарфлаймиз, келажак ҳақида қайғурмаймиз. Бу бойликни сақлаб қолиш истаги пайдо бўлгандигина, соғлом кишидан беморга айланганимиздан сўнггина ана шу бойликнинг қадрига етамиз».**

Юксак саломатлик даражаси — бу инсоннинг эҳтиёжларидан бирининг эмас: бу жамиятнинг ҳам муҳим эҳтиёжларидан биридир. Шунинг учун ҳам кишиларнинг ҳаётини ва иш қобилиятини айниқса катта ёшдаги кишилар ҳаёти ва иш қобилиятини сақлаб қолиш умумдавлат ишидир. Шу муносабат билан мамлакатимизда махсус геронтология ва гереотерия хизмати ташкил этилган.

Ҳозирги вақтда кўп мамлакатларда, шу жумладан, Совет Иттифоқида ҳам қариш механизмини аниқлаш юзасидан ҳам, ҳаётни узайтириш йўлларини аниқлаш юзасидан ҳам катта тадқиқотлар олиб бориляпти. Улим сабабларини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, ўрта ёшдаги ва қариб қолган ҳар юз кишидан 85 таси етти хил касалликдан: ортиқча семириш, атеросклероз, гипертония, қанд диабети, рак, юқумли касалликлар ва психик депрессияларга қаршилик кўрсатишнинг камайишидан ўлган. Бундай касалликлар аниқланган тақдирда уларни тезда даволаш лозим.

Қариш ички зиддиятли жараён бўлиб, сўниш қоллари билан бир қаторда муҳим мослашиш механизмлари ҳам юзага келади. Бинобарин, хилма-хил профилактик ва даволаш таъсирларини ўтказиш вақтида худди ана шу мослашиш механизмларига таянмоқ керак. Саломатликни яхшилаш ва умрни узайтиришга ёрдам берадиган омиллар орасида режим муҳим роль ўйнайди.

Умуман инсон организмининг яшашида кундалик ритм (маром) бор бўлиб, меҳнат ва дам олишни ташкил этишда уни ҳисобга олмоқ зарур. Масалан, тушга қадар модда алмашинуви, танадаги ҳарорат ва энергия чиқариш кўпроқ бўлади, кечқурун соат беш, олтиларда эса камаяди. Яъни, кундузи инсон биологик жиҳатдан кўпроқ актив бўлади. Тушда эса инсон бўшашиб, ҳорғинлик ва уйқуга эҳтиёжи пайдо бўлади.

Организмнинг нормал яшаши ана шу ритмга боғлиқ экан, бинобарин уни турмуш ва иш шароитига мослаштириб меҳнат, дам олиш, овқатланиш ва ухлашнинг энг мақбул режимини ишлаб чиқмоқ керак. Бундай режим аҳамиятини қуйидаги мисолдан яққол кўриш мумкин. Машҳур немис философи Иммануил Кант (1724—1804 йиллар) туғма нимжон эди. Болалигида ва ўсмирлигида кўп касал бўлган. Лекин кейинчалик у ўзи учун қатъий режим белгилаган. Кечқурун соат 10 да уйқуга ётар, эрталаб соат 5 да ўрнидан турарди. Ўттиз йил давомида у бевақт ётган ва бевақт турган эмас. Эрталаб соат 7 да у сайрга чиқарди. Кёнисберг аҳолиси унга қараб соатларини текширишган. Нимжонлигидан барвақт ўлиб кетиши эҳтимол бўлган одам ана шу режим туфайли 80 йил яшади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш билан бир вақтда турмуш шароити яхшиланмоқда. Бу эса, одатда, ҳаракат заруратини камайтиради. Кишининг актив ҳаракат қилиши ҳам ейиладиган овқат миқдори ёки модда алмашинуви интенсивлиги каби маълум биологик кўрсаткичдир. Бинобарин, юқоридаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, онгли равишда жисмоний ҳаракатни кўпайтирмоқ, жумладан, жисмоний тарбия билан шуғулланмоқ керак. Ҳаракатда — баракат деганлар. Бу таъбирни ҳозирги вақтда ҳаракат умрга баракат тарзида изоҳлаш мумкин.

Кам ҳаракат қилиш юрак—қон-томир системаси, нафас олиш органлари, ошқозон-ичак, асаб-мускул аппарати фаолиятининг ўзгаришига олиб келади ва булар оқибат-натижада организмнинг бевақт қаришига сабаб бўлиши тажрибада исботланган. Масалан, профессор И. В. Муравов бир ойлик ўнта каламушни ҳаракат қилиб бўлмайдиган тор қафаса солиб қўйганда, уларнинг ҳаёти кескин қисқарган. Одатда каламушлар 529 кунгача яшайди. Ҳаракат қилолмаган каламушлар эса 82 кун яшаган, холос.

Ҳаракатсизлик ҳар қандай ёшда ҳам зараллидир. Айниқса, кексалар учун катта зарар келтиради. Сўнгги ўн йилликларда гипакинезия, яъни узоқ муддат ҳаракат қилмаслик оқибатида организм фаолиятининг бир қатор бузилиш ҳоллари юз бермоқда. Энг аввало ҳаракатсизликдан қон айланиш системаси зарарланади. Маълумки, кишиларнинг иш қобилияти, умри қон айланиш системасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунларда чиниқмаган юрак деган термин пайдо бўлди. Маълумки, ақлий меҳнат кишиларида миокард-инфаркти ишчилардагига нисбатан икки-уч баравар кўпроқ учрайди. Шунингдек, жисмоний меҳнат қиладиган кишиларда атеросклероз кам учрайди.

Саломатлик кўп жиҳатдан ўз ҳаётини ташкил эта билишга боғлиқдир. Агар табиий ритм жисмоний ва маънавий активлик билан қўшилиб, ҳатто туғма нимжонларни ҳам бақувват қилишга қодир экан, демак жисмоний ва ақлий ландовурлик, аниқ мақсад сари ҳаракат қилмаслик, ҳамма нарсани муҳайё қилиб, организмни бўшаштириш, меҳнатсиз кун кечириш ҳар қандай мустаҳкам организмни ҳам путурдан кетказади.

Киевдаги Геронтология институтида 50-60 ёшлардаги бир гуруҳ соғлом кишиларни уч ҳафта ётқизиб қўйишди. Тажриба охирида, яъни 21 кун ўтгандан сўнг уларнинг юраги электрокардиограф ёрдамида текшириб кўрилди. Электрокардиограмма уларнинг ҳаммасида миокард-инфаркти пайдо бўлганлигини ёки бошланаётганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, ҳаракатсиз яшаш ҳатто соғлом кишиларда ҳам миокард-инфаркти каби оғир касалликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Маълум бўлишича, миямиз ва мускулларимиз канча актив ишласа, шунча камроқ қартаяр экан.

Иш қобилиятини ошириш, саломатликни яхшилаш ва умрини узайтиришда актив дам олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Актив дам олиш. Меҳнатни ва дам олишни тўғри ташкил этиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқдир. Чинакам дам олиш бекорчиликдан иборат эмаслиги фан томонидан исботланган. Актив дам олиш ҳаракат билан боғлиқ бўлмоғи керак. Яъни актив бўлмоғи лозим. Энг самарали дам олиш чарчаган мускулларга тўла дам бериши эмас, балки бошқа чарчамаган мускул группалари фаолияти билан боғлиқ бўлган дам олишдир. Актив дам олиш ҳорғинлик ҳолларини бутунлай бартараф этишга ёрдам беради, марказий асаб системаси, қон айланиш органларига мадад бўлади, қарилик ўзгаришлари ва касалликларнинг ривожланишини секинлаштиради. Актив дам олиш тўғрисида баъзи мисолларни келтириб ўтамиз: В. И. Ленин ҳар куни велосипедда сайр қиларди, конькида учарди, гимнастикага жуда катта эътибор берарди. Машҳур олим Д. И. Менделеев ҳам қўл меҳнати билан шуғулланар, ром, чамадон ясарди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳатто кексайганда ҳам мунтазам машқ қилиш йўли билан қариликнинг айрим ҳодисаларини бартараф этиш, мушакларнинг салқиб қолишини тугатиш, ортиқча ёғ босишни йўқотиш, атеросклерознинг ривожланишини тўхтатиш мумкин.

Мускул ҳаракатларидан ташқари инсонга таассуротнинг ўзгариши ҳам шифобахш таъсир кўрсатади. Бинобарин, сайр қилиш, овга чиқиш, узоқ пиёда юриш — буларнинг ҳаммаси инсонга куч-қувват бағишлайди.

Пиёда юриш. Соф ҳавода пиёда сайр қилиш организмни чиниқтиришнинг зарур воситасидир. Унинг таъсирида юрак, қон томирлари, ўпка ва мускулларнинг фаолияти яхшиланади, модда алмашинуви тартибга тушади. Пиёда юриш миянинг қон билан таъминланишини ва қон томирларидаги босимни яхшилайди. Мунтазам равишда пиёда юриш натижасида юрак, ўпка, қон томирлари — хуллас бутун организм чиниқади.

Маълумки, буюк рус ёзувчиси Лев Толстой қариганда ҳам саломатлигини ва иш қобилиятини яхши сақлаб қолган эди. Кексайганда у Ясная Полянадан Москвагача 200 километр масофани бир неча марта пиёда босиб ўтган. Яна бир мисол келтириб ўтмоқчимиз. 1970 йил 20 июнда Қоҳира шаҳрида Ал-Азҳор университетининг профессори шайх Муҳаммад Абдул Иброҳим 150 ёшида вафот этди. У ҳамиша пиёда юрарди. Жумладан, ўз ватани Ливанга ҳам (ораси минг километр) пиёда бориб келарди. Японлар кунига ўн минг қадам пиёда юрмасалар ўринларига ётишмас экан.

Бундан 2500 йил муқаддам Элладада тош устига ўйиб ёзилган бир шиорни эслатиб ўтмоқчимиз: **«Кучли бўлишни истасанг — югур, чиройли бўлишни истасанг — югур, ақлли бўлишни истасанг — унда ҳам югур».** Лекин кекса ёшдаги кишиларнинг югуриши меъёрида бўлиши ва шифокор кўрсатмаси асосида бажарилиши лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ҳис-туйғулар. Ҳар қандай ҳис-туйғу ҳам организмга таъсир қилмай қолмайди. Ҳаяжон, ғам, ғазаб, нафрат каби ҳис-туйғулар оилада, ишда, турмушда, транспортда жанжалли вазиятлар йўлдоши бўлиб, саломатликка салбий таъсир қилади.

Кулги. Ижобий ҳис-туйғулар уйғотадиган кучли омиллардан бири кулгидир. **«Жоҳиллик — қаритади, кулги — ёшартиради»** деган мақол бор. XVII асрда яшаган машҳур инглиз врачи Сиденгам шаҳарга битта қизиқчининг келиши шу шаҳар аҳолисининг саломатлиги учун дори-дармон ортган 10 та ҳачирнинг келишидан ҳам фойдалироқдир, деган эди. Кулги—саломатлик, ҳаётдан мамнунлик белгиси, зерикиш ва ҳаёт ташвишлари устидан ғалаба қозониш рамзидир.

Музика. Ҳозирги замон электрон аппаратлари музика инсон организмида маълум ўзгаришлар ҳосил қилишини аниқлаш имконини беради. Музика тинглаётганимизда куйнинг характерига қараб мушаклар торайиши ва кенгайиши мумкин. Марш музикаси кишини дадил қилишининг сабаби ана шунда.

Музика инсонга роҳат бахш этиб, яхши кайфият ҳосил қилганда, махсус кузатишларнинг кўрсатишича, юрак уриши секинлашиб, юракнинг қисқариш кучи ортар, қон томирларидаги босим камаяр, томирлар кенгаяр экан. Аксинча, кишиларнинг ғашига тегадиган музика юрак уришини тезлаштириб юборади.

Уйқу. Уйқу ҳам дам олишдир. И. Е. Тарханов тажриба ўтказган вақтда итлар овқатсиз 25 кун яшаган, уйқусиз эса 5 кундан сўнг ҳалок бўлган.

Уйқу тормозланишнинг ўзига хос шаклидир. Уйқу вақтида тормозланиш бош миянинг турли ҳаётий функцияларни бажарадиган энг муҳим ва шу билан бирга энг нозик марказларини ҳимоя қилади. Уйқу вақтида бутун организм дам олади, юрак хотиржам, секинрок ишлайди, нафас олиш камаяди ва чукурлашади, қон босими пасаяди, мушаклар дам олади. Уйқу вақтида асаб системаси дам олади ва шу билан бир вақтда унда мураккаб биохимик жараёнлар юз бериб, кейинги фаолият учун куч-қувват тўпланади.

Овқатланиш. Бевақт қаришнинг олдини олишда саломатлик ва меҳнат қобилиятини сақлашда тўғри овқатланиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳаётнинг асосий омили бўлган модда алмашинувининг тўғри ва қулай ўтиши учун организмга мунтазам озуқа керак. Кўп ёки бевақт овқатланиш модда алмашинувини бузади.

Кишининг ҳаёти, иш қобилияти ва умрининг узунлиги овқатланишига боғлиқдир. Ҳиндистоннинг шимолий қисмида хунза деган халқ яшайди. Бу ерда ўртача умр 110-120 йилдир. Шотландиялик врач Мак Каррисоннинг кузатишича, уларнинг организми бизникидан фарқ қилмайди. Хунзаларнинг узоқ умр кўриш сири овқатланиш интизомидадир. Улар гўштни кам истеъмол қилишади, асосан сабзавотни хомлигича ейишади, қайнатилган сув ичишади. Ҳеч қандай спиртли ичимлик истеъмол қилишмайди, тамаки чекишмайди. Улар кўпроқ мева, хусусан, ўрик истеъмол қилишади. Водийда ўрик, олча, олхўри, шафтоли, узум ўсади. Ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг меваларнинг бир қисми қишга қуритилади. Айниқса, туршак кўпроқ тайёрланади. Хунзалар ҳамма озиқ-овқатларни ўзлари етиштиришади, фақат тузни сотиб олишади. Шунинг учун тузни кам ишлатишади. Кузатишлар шуни кўрсатдики, кўпроқ шўр овқат ейиш гипертония касаллигини келтириб чиқарар экан.

Киши организмининг қариши кўпчилик модда алмашинуви жараёнлари интенсивлигининг камайиши билан характерланади. Модда алмашинуви жараёнларининг секинлашиши асосий кўрсаткич — кислород истеъмол қилиш, карбонат ангидрид гази ажратиб чиқариш, оксил алмашинувининг секинлашуви тўқималарда бир қанча липид компонентларнинг тўпланиб қолиши, ферментлар активлигининг камайиши, жигар, буйрак, юрак, мия ва бошқа органларда биологик оксидланишнинг камайишида ифодасини топади. Булар организмдаги биохимик жараёнларнинг сўнишига ва модда алмашинуви айрим турларининг ишдан чиқишига олиб келади. Энергия номутаносиблиги бевақт қаришнинг тез-тез учрайдиган белгисидир. Бу эса ортиқча семириб кетиш, юрак мушакларининг ланж бўлиши, ҳаракатнинг камайиши, нафас сиқилишига сабабдир.

Атеросклерознинг олдини олиш учун овқатнинг умумий калориясини камайтириш, овқат таркибида ўсимлик мойини кўпайтириш ҳисобига мол ёғини камайтириш, холин, лецитин каби моддалар миқдорини кўпайтириш керак. Овқатда оқсил миқдорини нисбатан ошириш (киши вазнининг ҳар бир килограммига 1,0-1,1 грамм), шу билан бирга сут оқсилларини (қатиқ, сут) витаминлар ва микроэлементлар, жумладан, аскорбин кислотаси, ниацин, тиамин, рибофлавин, коболамин каби фермент системалари фаолияти жараёнида ишдан чиққан фермент системаларини тиклаш учун зарур бўлган моддаларни кўпайтириш керак.

Кексалар овқати тез ҳазм бўладиган енгил таомлардан иборат бўлмоғи лозим. Чунки организм қариганида овқат ҳазм қилиш йўлининг фаолияти секинлашади.

Кишининг вазни ҳам катта аҳамиятга эга. Агар бўйи 175 сантиметр бўлса, вазни 75 килограмм атрофида бўлмоғи керак. Англияда одамнинг бели қанча ингичка бўлса, умри шунча узун бўлади деган матал бор. Овқатланиш вақтида яшаш учун овқатланяпман, овқатланиш учун яшаётганим йўқ деган қоидага амал қилиш лозим.

Шундай қилиб, кундалик ҳаётимизда қатъий режимга амал қилиб, жисмоний меҳнат билан мунтазам шуғулланиб, ижобий ҳис-туйғулар билан ҳар нарсада меъёрга амал қилиб, айниқса овқатни меъёрида истеъмол қилиб, меҳнат унумдорлигини оширишимиз, саломатлигимизни яхшилашимиз, умримизни узайтиришимиз мумкин.

А. ЗОҲИДОВ,
СССР Медицина фанлари академияси мухбир аъзоси, Узбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Редактор ўринбосари
Х. ЁДГОРОВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

27 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Зарядкага сафланинг. 10.30 — «Будильник». 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 13.00 — Музикали кроки. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — **«Максимнинг қайтиши»** (бадиий фильм). 16.10 —Концерт. 17.00 — Китоб дўкони. 17.50 — **Халқаро панорама.** 18.20 — Музикали программа. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Мультфильм. 19.45 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 20.45 — **«Икки капитан»** (бадиий фильм, 2-серия). 22.00 — **«Вақт»** 22.30 — Концерт. 23.35 — **Чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар.** 00.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20— Шоирлар болаларга. Ғафур Ғулом. 11.05 — Педиатр маслаҳати. 11.20 — **«Ўтмиш билан учрашув»** (бадиий фильм). 13.05 — «Заминдос». 13.45 — Наима Пўлатова куйлайди (такрорий). 14.20 — Реклама. 18.05 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.35 — М. Шайхзода ижодининг саҳифалари. 19.05 — **Футбол бўйича VII халқаро ўсмирлар турнири.** «Ўзбекистон» — «Венгрия» (2-тайм). 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Концерт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **«Телеминиатюралар.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Янги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар. 22.40 — **«Санниковери»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.15 — Фрунзе кўрсатувлари.

28 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

12.00 — Янгиликлар. 12.10— Мультфильмлар. 13.25 — **Ҳайвонот оламида.** 14.25 — Концерт. 15.30 — Бутуниттифоқ комсомол йиғилиши. 15.45 — М. Ю. Лермонтов. «Шоирнинг ўлими». 16.30 — Болалар учун **«Оқланган иси»** (бадиий фильм). 17.45 — Онамларнинг мактаби. 18.15 — Қувноқ стартлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Музикали абонемент. 19.45 — Озарбайжон ССР меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар. 20.30 — Д. Патрик. «Ғаройиб Сэвидж хоним» (спектакль). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 —Спектаклнинг давоми. 23.35 — Регби бўйича халқаро турнир. 00.20 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — Ҳужатли фильмлар. 11.30— Табиатшунослик. 18.30 — Мультфильм. 18.50 — «Заҳгори экран» почтаси. 19.20 — **Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари.** 19.40 — **«Ахборот».** 19.55 — Адабий учрашувлар. Ў. Умарбеков. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 —Социалистик мусобақа илғорлари учун концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Экиш агрегатлари мавсумга шай бўлсин. 22.45 — **«Махтумқули»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Қизиқарли математика. 19.40 — Жанговар постда. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 —Олий математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Область театрлари артистларининг концерти. 9.15 — **«Табассум».** 11.15 — **«Эрталабки салом»** (Москва). 12.10 — Сулолалар шарафи. 12.30 — Куйлардан қўшиқларга. 13.00 — Кооператорлар — чорвадорларга. 13.30 — Хатларингизни тўқиб (концерт). 14.00 — **Пахтачиликда техника тараққиёти.** 15.10 — Мактаб ва ҳаёт. 15.25 — **Бир қўшиқ таърифи.** 17.40 — **Футбол бўйича VII халқаро ўсмирлар турнири.** СССР-I — «Польша» командалари учрашуви. 18.00 — **Халқаро шарҳловчилар даврасида** (Москва). 18.30 — Дўстлик тўлқинида. 19.00 — Дам олиш киноафишаси. 19.20 — **«Ёшлик»** радиостанциясининг программаси. 20.25 — **Севги қўшиқлари.** 21.00 — Ўзбек халқ куйлари. 22.00 — **«Табассум»** (такрорий). 22.45 — Танбурда Тургун Алиматов чалади. 23.15 — Дам олиш концерти.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/II да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да **Келинлар қўзғолони** (кундузи, билетлар сотилган), **Уғирланган умр** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да **Гулбаҳор қани?** (кундузи), **Йиллар ўтиб** (кечқурун), 28/II да **Комедия, комедия ёҳуд ҳангома.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да **Ун саккиз ёшлигим** (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ГРУЗИЯ ЦИРКИ»** коллективи ва Узбекистон ССР халқ артисти **ҲАКИМ ЗАРИПОВ** раҳбарлигидаги **«УЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ»** коллективининг чиқишлари (11.00, 15.00, 19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Зорро** (кундуз ва кечқурун, катта зал), **Бобби** (кундуз ва кечқурун, кичик зал).

Ҳимоя учун сўз — «ЧАЙКА» (кундузи), «МОСКВА» (жуфт соатларда), «ВОСТОК», «НУҚУС» (кундуз ва кечқурун).

Малиновкада тўй — «ҚОЗОГИСТОН» (11, 12.00), «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Зорро — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Барҳаёт кишилар — Ғ. ҒУЛОМ номли (тоқ соатларда).

СССР нефтни қайта ишлаш ва нефть-химия саноати министрлиги

УРТА ОСИЁ НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ «СРЕДАЗНИИНП»

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бўлим мудирлари: суюқ углеводород хом ашёси конверсияси катализаторлари, углеводород хом ашёси конверсияси жараёнлари;

катта илмий ходимлар: гидрокрекинг катализаторларининг синтези ва синови, гидротозалаш катализаторлари синтези ва синови, нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноат катализаторларини такомиллаштириш, суюқ углеводород хом ашёси конверсияси катализаторлари, углеводород хом ашёси конверсияси жараёнлари;

кичик илмий ходимлар: аналитик лаборатория (3), суюқ углеводород хом ашёси конверсияси катализаторлари (4), углеводород хом ашёси конверсияси жараёнлари (2);

КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАР ХИМИЯСИ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА:

катта илмий ходим,

кичик илмий ходим (2).

КОНКУРСДА ФАН ДОКТОРЛАРИ ВА КАНДИДАТЛАРИ ҲАМДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ВА АМАЛИЙ ИШ ТАЖРИБАСИ БЎЛГАН КИШИЛАР ҚАТНАША ОЛИШЛАРИ МУМКИН.

КОНКУРС МУДДАТИ — 20 МАРТГАЧА.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Академгородок, «СредазНИИНП». Телефон: 62-59-25.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ БИЛАН

КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудирлари: директив органлар информациясини ишлашни автоматлаштириш системасини ишлаб чиқиш, социал-иқтисодий системали бошқармалар.

КОНКУРС МУДДАТИ — 27 МАРТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-уй.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари ҳамда геология-қидирув факультети коллективи кафедра мудири, доцент М. З. Назаровга отаси

Зуфар НАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700